

АТАМА ВА ИЗОХ

Монография миллий тасвирий ва амалий санъат атамалари тадқиқига бағишиланган бўлиб, унда мазкур атамаларнинг учтилли изоҳли луғатини яратиш муаммоси кўтарилиган. Ўзбекистон санъати ва маданиятининг тараққиёти натижасида нутқда ўз аксини топган тасвирий ва амалий санъатга оид атамаларнинг миллийлик нуқтаи назардан таҳлил этилиб, сўзларнинг русча ва инглизча муқобилининг айрим хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, ўзбек муҳитида кенг тарқалган Европа нутқининг лисоний бирликлари юзасидан қилинган ишлар таҳлили келтирилган. Муаллиф атамаларни бир қолипга солиш, чуқур таҳлил қилган ҳолда сўзларни ўз ўрнида ишлатиш тартибини белгилаш, нутқий маданият ва нутқий салоҳият мезонларини ишлаб чиқишига доир таклиф ва мулоҳазалар билдириган.



Кадирова Хуршида Батировна, 1982 йил 4 апрелда туғилган. 2000-2004 йилларда ТДПУ да бакалавр босқичида, 2005-2007 йилларда ЎзМУда магистратура босқичида таҳсил олган. 2012 йилда филология фанлари номзодлигини ёқлаган. Хозир ТошҶЎТАУда доцент бўлиб ишлади.



Globe
EDIT

Globe
EDIT



Хуршида Кадирова

АТАМА ВА ИЗОХ

Миллий тасвирий ва амалий санъат атамаларининг ўзбекча-русча-инглизча изоҳлаш масаласи

Хуршида Кадирова

АТАМА ВА ИЗОХ

FOR AUTHOR USE ONLY

Хуршида Кадирова

АТАМА ВА ИЗОҲ

Миллий тасвирий ва амалий санъат
атамаларининг ўзбекча-русча-инглизча
изоҳлашмасаласи

FOR AUTHOR USE ONLY

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:

GlobeEdit

is a trademark of

Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L Publishing group

str. A.Russo 15, of. 61, Chisinau-2068, Republic of Moldova Europe

Printed at: see last page

ISBN: 978-620-2-48714-6

Copyright © Хуршида Кадирова

Copyright © 2022 Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L Publishing group

FOR AUTHOR USE ONLY

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Х.Б. ҚОДИРОВА



2022

Монография ИТД-1. Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриялар, миллий фоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш бўйича рўйхатга олинган грант асосида амалга оширилган амалий илмий-техник тадқиқот бўлиб, у тасвирий ва амалий санъат ихтинослиги вакилларига мўлжалланган.

Рўйхатга олинган коди: ЁА1-ФҚ-0-07289

Илмий маслаҳатчи:

Менглиев Бахтиёр
филология фанлари доктори,
профессор

Тақризчилар:

Раупова Лайло
филология фанлари доктори,
профессор

Абдураҳмонова Муқаддас
филология фанлари номзоди,
доцент

Монография Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Кенгаши қарори билан нашрға тавсия қилинган (2018 йил 28 сентябрдаги 2-сонли баённома)

АННОТАЦИЯ

Монография миллий тасвирий ва амалий санъат атамалари тадқиқига бағишиланган бўлиб, унда мазкур атамаларнинг учтилли изохли луғатини яратиш муаммоси кўтарилиган. Ўзбекистон санъати ва маданиятининг тараққиёти натижасида нутқда ўз аксини топган тасвирий ва амалий санъатга оид атамаларнинг миллийлик нутктаи назардан таҳлил этилиб, сўзларнинг русча ва инглизча муқобилининг айрим хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, ўзбек мухитида кенг тарқалган Европа нутқининг лисоний бирликлари юзасидан қилинган ишлар таҳлили келтирилган. Муаллиф атамаларни бир қолипга солиши, чукур таҳлил килган ҳолда сўзларни ўз ўрнида ишлатиш тартибини белгилаш, нутқий маданият ва нутқий салоҳият мезонларини ишлаб чиқишига доир таклиф ва мулоҳазалар билдирилган.

Монография кириш, З фасл, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. У жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқик этиш бўйича рўйхатга олинган грант асосида амалга оширилган амалий илмий-техник тадқиқот бўлиб, у тасвирий ва амалий санъат ихтисослиги вакилларига мўлжалланган.

АННОТАЦИЯ

Монография посвящена изучению терминологии национального изобразительного и прикладного искусства, а также рассматривается проблема создания трёхязычного словаря этих терминов. В результате развития искусства и культуры Узбекистана термины изобразительного и прикладного искусства, отраженные в речи, были проанализированы с национальной точки зрения, а также выделены некоторые особенности русской и английской альтернатив. Также представлен анализ лингвистических единиц европейской речи, широко используемых в среде Узбекистана. Автор сделал предложения и комментарии о том, как положить термины в форму, глубоко проанализировать порядок использования слов, развивать речевую культуру и речевые возможности.

Монография состоит из введения, трех глав, вывода и списка публикаций. Это практическое научно-техническое исследование,

основанное на духовном, нравственном и культурном развитии общества, духовных ценностях, национальной идее, культурном наследии узбекского народа и государства. Монография предназначена для изучения специалистов, обучающихся в отрасли изобразительного и прикладного искусства.

ANNOTATION

The monograph is devoted to the study of the national visual and applied art terminology, with the problem of creating a bilingual dictionary of these terms. As a result of the development of art and culture of Uzbekistan, the terms of applied and applied arts, which are reflected in the speech, have been analyzed from the national point of view, and some of the features of the Russian and English alternatives are highlighted. The analysis of the linguistic units of the European Speech, widely used in the Uzbek environment, is also presented. The author has made suggestions and comments on how to put the terms into a mold, deeply analyze the order of use of words, to develop speech culture and speech capabilities.

The monograph consists of introduction, three chapters, conclusion and a list of literature. It is a practical scientific and technical research based on the spiritual, moral and cultural development of the society, the spiritual values, the national idea, the cultural heritage, the history of the Uzbek people and the state, the continuity and continuity of education, the study of harmoniously developed generation, and applied art.

СЎЗБОШИ

Тилни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш жамият ҳаёти билан бевосита боғлиқ экан, ижтимоий ҳаётда рўй берәётган ўзгаришлар тилда акс этиши мукаррар. Бу ўзгаришлар ҳаммадан кўпроқ тилнинг луғат бойлигига ўз ифодасини топади. Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида алоҳида таъкидлаганидек, «айникса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта мухим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар чоп этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.»¹

Ўзбекистон санъати ва маданиятининг шиддатли тараққиёти нутқимизда ўз аксини топар экан, тасвирий санъат, амалий санъат, интерьер дизайн, либос дизайни ва санъатшуносликка оид атамалар, миллий-маданий нутққа оид ўзбекча сўзларнинг русча ва инглизча муқобили ҳамда Европа нутқининг лисоний бирликлари ўзбек мухитида кенг тарқала бошлаганлиги тилшунослар масъулиятини янада ошириши мукаррар. Зеро, бунинг оқибатида уларни бир қолипга солиш, чуқур таҳлил қилган ҳолда сўзни ўз ўрнида ишлатиш тартибини белгилаш, нутқий маданият ва нутқий салоҳият мезонларини ишлаб чиқиш вазифалари вужудга келади. Зеро, миллий ва нутқий

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2007. – Б.87.

маданиятимизни ўзида мужассам этган терминларни, хусусан, миллий тасвирий санъатимиз атамаларини чет тилидаги муқобилини мавжуд бўлса, топиш, бўлмаса, ўз ҳолича қолдириб, талаффузини ишлаб чиқиши амалий муаммо ҳисобланади. Бу борада дунё ва рус тилшунослигининг турли йўналишларида қатор ишлар амалга оширилган. Ўзбек тилшунослигида мустақилликкача яратилган тасвирий санъатга оид дарсликлар, ўқув кўлланмалари, каталоглар, асосан, рус тилида бўлганлиги ва улар ўзбекчага таржима қилинмаганлиги, инглизча аннотацияси мавжуд бўлмаганлиги, ўзбекча адабиётларнинг ҳам талаб даражасида эмаслиги бу соҳада ислохотлар қилиниши зарурлигини кўрсатиб, ушбу иш мазкур бўшликини тўлдиришига амалий ёрдам кўрсатади. Тасвирий санъат соҳасидаги миллий-маданий атама ва бирликларни чет тилида акс эттириш; замонавий атама ва бирликлар билан муқояса қилиш; уч тилда мавжуд бўлган тушунчаларнинг мутаносиб ҳамда фарқли жиҳатларини тушунтириш; фақат ментал хусусиятга эга рус ва инглиз тилида мавжуд бўлмаган тушунча ва атамаларнинг Европа лисоний тизимидағи ўрни ва талаффузини ишлаб чиқиши; инглизча, русча атама ва бирликларнинг ўзбекча муқобилини топиш, муқобили бўлмаса, изоҳини келтириш; мазкур билимларни тўплаб таҳлил этиш ҳамда илмий назарий асосланган мақола ва тезислар чоп эттириш, йиғилган маълумотлардан луғат яратиш ва уни халқقا тақдим этиш шулар жумласидандир.

Маълумки, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида мазкур соҳа бўйича етук мутахассис ва олимлар мавжуд, улар ушбу илмий-техник тадқиқотни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга

ва кўплаб жаҳон санъат арбоблари назарига тушган, эътироф этилган санъат Биеналлилари (тасвирий, фото йўналишлари) ва анъанага айланган, йилдан йилга нуфузи ортиб бораётган “Тасвирий санъат фестивали”га халқаро доирадаги санъат мутахассисларининг ва рассом, фотографлар, дизайнерларнинг иштироки натижасида миллий тасвирий санъатимизга кириб келган янги йўналишлар, гоялар акс этган асарлар, манбаалар ишнинг асосий объектларидан. МРДИ ахборот-ресурс марказида институт ташкил этилган санадан бошлаб жамғарилган манбалар лойиҳанинг асосини яратишга хизмат килди. Хусусан, Ўзбекистон Бадиий Академияси ва МРДИ сайтларида мунтазам янгиланиб борилаётган ахборотлар, кўргазмалар ҳақидаги маълумотлар ҳам тадқиқот манбаи хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим ҳакида»ги Конуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-“Умумий ўрта таълим Давлат таълими стандартларини тасдиқлаш ҳакида”ги Карори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фан ва таълим ҳақидаги фармон ва карорлари ҳамда хукуматимизнинг фан-техника тараққиётини ҳамда таълим мазмуни сифатини такомиллаштиришга доир қарорлари илмий муаммолизнинг лингвистик жиҳатларини ҳал қилишда методологик асос сифатида таянилди. Шунингдек: 1) тасвирий ва амалий санъат атамалари хусусиятларини баён этишда, лисоний бирликларнинг маъно ифодалашида пайдо бўлувчи янги хусусиятларни тавсифлашда тавсифлаш методидан; 2) тасвирий ва амалий санъат атамалари қўлланган матнни яхлит система сифатида олиб систем таҳлил методидан; 3) хар қандай лисоний бирликнинг

нүтқий воқеланиши матний хосланғанлигини, лисоний бирликлар матн унсури таъсирида турли маъновий хусусиятларни ифодалашини асослашда контекстуал таҳлил методидан; 4) тасвирий ва амалий санъат атамаларининг семантик хусусиятларини тавсифлаш ва фарқлашда, уларнинг даражаларини ёритища дифференциал-семантик таҳлил методидан; 5) санъат соҳасидаги бирликларнинг воқеланиш доирасини аниқлаш, уларнинг воқеланишида қуршовчи бирликларнинг ролини очишда дистрибутив таҳлил методидан; 6) айрим тушунчаларни қиёслаш ва фарқлашда ўрни билан қиёсий-типологик методидан фойдаланилди.

– ўзбек тилшунослигига миллий тасвирий санъат атамалари тадқиқ даражаси шархланди, жаҳон ва ўзбек тилшунослигига атамалар луғатларининг ўрганилиши, бундаги ютуқ ва муаммолар ҳамда уларнинг ечимига доир вазифалар хусусида фикрлар баён этилди;

– миллий тасвирий санъат атамалари биринчи марта илмий тадқиқ қилинди;

– миллий тасвирий санъат атамалари изохли луғати тузилди.

Иш Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан қизиқкан хорижий санъатшунос ва тасвирий санъат ихлосмандлари учун зарурий қўлланма сифатида аскатади. Юртимизнинг русий забони ва инглизмиллатига мансуб вакиллари ҳамда меҳмонлар, сайёҳлар миллий тасвирий санъатимиз ва маданиятимиз ҳақида тўғри тасаввурга эга бўла олади. Зеро, улар учун номаълум бўлган нафақат лисоний бирлик, балки муайян тушунчалар тасвирий санъат асарлари, меъморий обидалар ва урф-одатлар акс этган илюстрациялар орқали ҳам қисқача изоҳларда тушунтирилади. Шунингдек, юқорида қайд этилган нуфузли халкоро

миқёсида ўтказиладиган тадбирларда бу маҳсулотнинг реализациясини ҳам амалга ошириш мумкин.

Луғатнинг яна бир аҳамиятга молик томони шундаки, у миллий тасвирий санъатимиз вакиллари, мутахассислари ҳамда талабаларининг илмий ишларидаги асосий адабиётлар рўйхатидан жой олади, шунингдек, инглиз тилини пухта эгаллаган Ўзбекистон фуқаросининг хорижий давлатларда ўзбек миллий санъати ва маданиятини кенг тарғиб қилиш ишларида дастурний манба бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва хуносалари Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари билан ўтказилган ўкув машғулотларида амалиётга татбиқ этилган, иш натижаларидан маъруза матнлари ёзишда фойдаланилган.

Тадқиқот ОАК рўйхатига олинган ва лойиҳа сайтида эълон қилинган. МРДИ Тиллар ва адабиёт кафедраси йиғилишида (2014 йил 16 январь, 6-сонли баённома) ҳамда МРДИ Кенгашида (2014 йил 14 февраль, 10-сонли баённома) мухокама қилиниб, тасдиқланган. Тадқиқот мавзуси юзасидан Республика миқёсида бўлиб ўтган тилшунослик масалаларига бағишиланган илмий анжуманларда маърузалар қилинган.

КИРИШ

Бутунги кунда ўзбек замонавий санъатида тарихий анъаналар билан янги изланиш ва услуб, турли йўналишлар уйғуналашиб бормоқда. Хусусан, мустақиллик йиллари давомида уларнинг тўлиқ ривожланишига катта имконият яратилди. Миллий тасвирий санъат сиёсат даражасига кўтарилди. 1997 йилда бадиий таълимнинг янада ривожланишига туртки берган Ўзбекистон бадиий Академиясининг ташкил топиши бунга яққол далил.

Шарқ мамлакатлари орасида Ўзбекистон ўзига хос бой тарихи, санъати ва маданияти билан алоҳида ажралиб туради. Бу ўлканинг кўхна ноёб меъморий обидалари, энг янги замонавий бинолар чет мамлакатларда доимо катта қизиқиши уйғотган. Қадимги кўрғонларидан топилган осори атиқаларининг бугунги кундаги намуналари миллатимиз, маданиятимиз кўрки эканлигини жаҳонга маълум қилиш ва бунга етарлича асос борлигини қайд этиш асосий вазифамиз. Зеро, ўз ижоди билан дунё халқларини ҳозиргача ҳайратга солиб келаётган буюк мусаввир, “Шарқ Рафаэли” Камолиддин Беҳзод жаҳон тасвирий санъати ва маданияти тарихида чуқур из қолдирган. Унинг миниатюра соҳасида баракали ижод қилганлиги, машхур Шарқ миниатюра мактабининг асосчиси сифатида Уйғониш даври бадиий таълим илмий методик тизимининг шаклланиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатганлиги ва, энг муҳими, миллий тасвирий санъатимиз узоқ тарихга эга бўлиб, ўзига хос атамаларга ҳам бой эканлиги ўзгаларда миллий тасвирий санъатимиз ҳақида етарлича тасаввур уйғота олади.

Ўзбекистон санъати ва маданияти, хусусан, тасвирий санъат, амалий санъат, интеръер дизайн, либос дизайнни ва санъатшуносликка оид, шунингдек, кўхна меъморий обидалар билан боғлиқ ўзбекча-русчалинглизча атамаларни тадқиқ қилиш ва изоҳли луғатини яратиш нафақат санъат ва маданиятилизни дунёга танитиш балки, Ўзбекистоннинг таълим тизимини яхшилашга ҳам замин яратади. Зоро, мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ кейинги қисқа вақт ичида ёшларимизнинг интелектуал салоҳиятида сезиларли ўзгариш юз бермоқда. Бадиий таълим ҳам “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”нинг максади билан уйғунлашиб “таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиш”¹га ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Мамлакатимиз тасвирий санъати узлуксиз таълим тизимида 12 хил мутахассис тайёрлаш бўйича етакчи марказ ҳисобланган мактаб-интернат, 3 та коллеж ва Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн Институти фаолият юритади. Ушбу институтнинг ўз номига муносиб равишда миллийликни ривожлантиришга қаратилган таълимга таяниб иш кўриши аҳамиятга молик. Зоро, у тасвирий ва амалий санъат, шунингдек дизайн йўналиши бўйича мутахассис кадрларни етишириб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона ихтисослаштирилган бадиий олий

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури / Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда

таълим муассасаси. Институтда 4 та факультет фаолият юритади: “Тасвирий санъат”, “Амалий санъат”, “Дизайн”, “Санъатшунослик”.

Мазкур ихтинослик бўйича таҳсил олаётган бўлажак рассом, дизайнер, хайкалтарош каби талабаларнинг назарида ўзбек тили, рус тили фанлари мутахассисликка нисбатан кейинги ўринларни эгаллади. Ваҳоланки, уларнинг санъат соҳасидаги ижодий кўникма ва малакалари ижтимоий талабларга жавоб бериши, меҳнат лаёқатини ўстириш учун юқоридаги фанларнинг ўрни бекиёс. Зоро, улар нафакат санъат соҳасида фаолият юрита олиши, балки, улар хусусида муносабат билдира олиши керак. Айниқса, ўзбек санъати ва маданияти ривожланиб бораётган бир вақтда ўзга тилдаги талаба уни тушуна олиши, тафаккур қила олиши тараққиёт гаровидир.

Таълим жараённида ўзбек тилининг грамматикаси билан биргаликда матн устида ишлашга ҳам катта аҳамият берилади. Санъат соҳасидаги атамалар луғати билан ишлаш эса адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўкишга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини, шунингдек, педагогга нисбатан хурматини кучайтиради. Талабалар нафакат ўзбек тилининг луғат таркиби, балки тасвирий ва амалий санъат, дизайн соҳаси атамаларининг ўзбекча муқобили билан танишишлари мумкин. Буюк рассомлар, таникли картиналар, санъатшуносликка оид масалалар юзасидан ўзбек тилида фикр билдира олиш, таҳлил этиш, баҳс мунозараларга киришиш каби кўникма ва малакаларга эга бўлишлари мумкин. Бу эса тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишларида таҳсил олаётган рус гуруҳи талабаларининг ўзбек санъати ҳақида тассавурининг бойишига, уни чуқурроқ англашига, шунингдек, таржима қила олиш кўникма

ва малакасини ҳосил қилишига олиб келади. Мана шу мақсадда, луғатларга мурожаат этиш, луғатлар билан ишлаш айни муддао. Фақат бир муаммони ҳисобга олмагандা...

Кейинги йилларда ўзбек тили луғатчилигига самарали ва сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, турли соҳага бағишиланган, ўқувчиларнинг ёши, савияси ва дунёқарашини ҳисобга олиб тузилган луғатлар ҳам кенг қулоч ёзди. Филологик тадқиқотлар жамият тараққиёти билан ҳамнафас бўлди. Атамаларнинг тилшунослик¹дан бошлаб турли фанларга оид изоҳли луғатлар ўзбек луғатчилиги тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Бироқ тасвирий ва амалий санъат ёки дизайн соҳаси тўғрисида бундай фикрни билдира олмаймиз. Санъат йўналиши бу масалада бироз оқсайди. Энди, бу бўшлиқни эътиборга олишимиз, тезда уни тўлдиришга бел боғлашимиз даркор.

¹Хожиев А.П. Тилшунослик атамаларининг русча ўзбекча лугати. – Т., Фан, 1993. – 46 б.; Она тили. Қомус. Тузувчилар Б.Менглиев ва б. – Т., Янги аср авлоди, 2010. – 268 б.; Замонавий она тили. Мавзулаштирилган лугат. Тузувчилар Б.Менглиев ва б. – Т., Шарқ, 2011. – 280 б.

Биринчи фасл

АТАМАЛАРИНИНГ СЕМАНТИК СТРУКТУРАСИ ҲАҚИДА

Ахборот технологиялари асрида ижтимоий-сиёсий фаол ҳаёт, илмий кашфиёт ва тадқиқотлар туфайли янги-янги атамаларнинг вужудга келиши ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳодиса янгилик бўлмай, асрлар мобайнида янги тушунча, ҳодиса ва буюмларни ифода этиш учун керак бўлган. Шу тариқа, у ёки бу сабаб туфайли тилнинг захираси доимо янги сўзлар билан бойиб борган. Бунга нафақат тарихий ва сиёсий, балки маданий ва илмий-техник ҳодисалар ҳам турткى бўлган.

Янги терминларнинг пайдо бўлиши таржимонлар тажрибасида кенг ёйилган ҳодиса. Номаълум терминни таржима қилиш янги терминларни пайдо қилишга асосланади. Шубҳасиз, энг оммабоп усул ўзлаштириш ҳисобланади ва фақат шунинг учун ҳам, байналмилал сўзлар катта кўламга эга. Бугунги кунда ўзлашган лексиканинг бойишида интернет асосий ресурслардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, янги терминлар тилнинг ички ресурслари асосида ҳам пайдо бўлади. Одатда, мавжуд умумистеъмол сўз ёки атама маъносининг кенгайиши янгисининг пайдо бўлишига олиб келади. Маъно кенгайишнинг сабаблари етарлича. Масалан, кўп атамаларнинг бир пайтнинг ўзида умумий лексикада ҳам мавжудлиги ва бирор фаннинг бўлимида бошқа ўзига хос маъноси борлиги бунга яққол далилдир. Бу ҳақда **Х.Ш.Нарходжаева** ўзбек тили ҳамроҳ моҳиятли терминларини тизимли ўрганиш муаммоларини ўрганиб, “...

тилнинг ижтимоийлиги ва унинг тараққиётидаги тежамкорлик тамойили ҳамроҳ моҳиятли терминларнинг мавжудлигини таъминлайди” – дейди ва соф ўзбек тилига хос бўлган ва фақат терминологик маъногагина эга бўлган терминни мавжуд эмаслигини таъкидлайди. ЎТИЛдан олинган ҳамроҳ моҳиятли терминларни таҳлил қилиб, ҳар бирига изоҳ беради¹.

Бугунгиунда “термин” ёки “атама” сўзлари орасида фарқ борлиги тўғрисида айрим тилшуносларнинг фикрлари тўқнаш келаётганлиги бу масалада яна кўп изланишлар қилиниши кераклигидан далолат беради. Тадқиқотлар билан ойдинлик киритилгунига қадар биз ЎТИЛда белгилаб қўйилган фактга асосланиб, мазкур сўзларни битта лексик маънога эга турли тиллардаги тушунча бўлиб, бир синонимик қаторда туради деб ҳисоблаймиз.

АТАМА 1 айн термин

2 Умуман, ном. *Лекин шамани ҳар бир ҳалқ ўз тилидаги ном, атама билан юритиб келган.* “Фан ва турмуш”. Республикализнинг ўзидахина 400 дан ортиқ турли туман қовун атамалари мавжуд экан. “Фан ва турмуш”².

“Термин” сўзининг ўзи лотинча terminus – “чегара” демакдир. Термин деганда фан, техника ёки санъат соҳасидаги муайян тушунчани англатувчи сўз ёки сўз бирикмаси тушунилади. Умумий лексикадаги кўпинча кўп маъноли ва ҳиссий бўёқли сўзлардан фарқли ўлароқ, терминлар экспрессиядан маҳрум, бир маъноли ва аниқ бир соҳада қўлланиши билан характерланади.

¹ Нарходжаева Х.Ш. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)... дисс. – Т., 2017. – 154 б.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2006. – Б.113.

Атама ҳам худди шу вазифани бажаарар экан, нутқда иккисидан ҳам унумли фойдаланиш хато бўлмайди деб ҳисоблаймиз.

Атамаларнинг таснифи ва талқини

Атамалар ҳам бошқа сўзлар каби грамматик қурилишда тил қонунларига бўйсунади. Улар умумий лексикадаги сўзларнинг терминологизациялашиш, бошқа тиллардан тўғридан-тўғри ўзлашиш йўли ёки ўзга тил терминларининг калькалашиши билан яратилади (она тилдаги қўшимчалар ёрдамида). Атаманинг семантик ясалиши эса сўзнинг шаклини ўзгартирмайди, аммо унинг маъноси ёки вазифасини таҳrir қиласди. Шу билан бир қаторда, ўхшаш воқеа-ходисалар ёки фактлар ўртасидаги маъно жихатдан уйғунликни намоён қиласди. Бу ассоциатив асос адабий метафора ва метонимияда ҳам бор. Масалан, «кушнинг қаноти» – «самолётнинг қаноти», «одамнинг қулоғи» – «қозоннинг қулоғи».

Атама ва умумистеъмол сўзлар бир бирига ўтиш хусусиятига эга. Кенг қўлланадиган махсус атамалар аста-секин кундалик ҳаётда илдиз отиш ва кундалик тилнинг элементи бўлиб қолиш хусусиятига эга. Кенгайиш жараёнида улар атама сифатида қабул қилинишдан тўхтайди ва кенг кўламли мурожаатдан сўзлашувга зич кириб боради.

Демак, биринчи тасниф умумистеъмол сўзларнинг атамалашини ва атамаларнинг умумлексик қатlam қаторидан ўрин эгаллаши билан боғлиқ. “Терминларнинг умумистеъмол лексикадан ўзлашганлари маъно-моҳиятининг тушунарлилиги, ўзлари ифодалайдиган ҳодисалар ҳақида нафақат соҳа кишилари, балки умуман муайян бир тил

соҳиблари учун ҳам маълум даражада тушунча ва ахборот беришда қулайлиги билан характерланади”¹. Мавжуд атамалар маъносининг кенгайиши эса, ўз ўрнида, омонимларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Қолаверса, таржимон янги тушунчани, нотаниш сўзни, ифода этиш учун мавжуд атамани қўллашга ҳақли эмас. Зеро, бу тартибсизликка, таржиманинг тушунарсизлигига олиб келади. Умумистеъмол қўлланишдаги маънолар фан-техника соҳаларининг оммавийлашувига боғлиқ. Демак, у маҳсус соҳаларни лисоний жамият оммаси билан бевосита боғлаб турувчи восита, бутунлай атамалик хусусиятини йўқотмайди. С.В.Гринев “меъморчиликда маҳсус сўзлашувнинг энг асосий хусусиятларидан бири, унинг умумнутқ тилига яқинлигидир, – дейди. – Бу, меъморчиликнинг инсон фаолиятининг кўхна турларидан бири эканлигидан далолат беради ва турар-жой одам учун таом ва кийим каби кундалик эҳтиёж. Шунинг учун, иншоотларнинг жиддий маҳсус тоифалар типологияси, биноларнинг меъморий унсурлари ва ҳоказоларга ҳамма учун тушунарли бўлган *бирқаватли, кўпқаватли, гиштили, эшик, ойна, девор* каби атамалар киради².

Миллий тасвирий ва амалий санъат атамаларидан бу борада қўйидагиларни мисол қилиб олиш мумкин:

¹ Нарходжаева Х.Ш. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)... дисс. – Т., 2017. – 154 б.

² Гринев С.В. Введение в терминоведение. – М., Московский лицей, 1993. – С.27.

Уумистеъмол сўзларнинг атамалашиши	Атамаларнинг умумлексик қатлам қаторидан ўрин эгаллаши
ABDASTA GUL [f. ٲبدسته (obdasta) va گل – naqsh] Obdastasimon naqsh.	ADRAS [f. ادرس (ipakdan, arqog'i ipdan to‘qilgan, abr gulli gazlama.
AJDAHO ayn. ajdarho [f. اچدر Shoxsimon gajaklar bilan hoshiyalangan romb shaklidagi naqsh yo‘nalishi, terma gilamlarda qo‘llaniladi. Shoh gajaklar ilon boshiga o‘xshaganligi uchun shunday nomlanadi.	ADIP//MAG’IZ [f. مغز – miya; o‘zak] To‘n, paranji, chopon va shu kabi kiyimlarning oldi va etagiga ichidan qo‘yilib tikilgan (5-6 sm) matodan kesib olingan tasma. Qora satin yoki shoyining chetidan qiya yoki uzunasiga qilib kesib olinib, ko‘rpa-ko‘rpacha va hokazolarning chetlariga bir-biriga ulab tikiladi.
ALA QURT ayn. ola qurt. Ko‘p rangli qurt ko‘rinishidagi naqsh turi.	AMIRKON [a. امير (so‘zidan] Oshlangan teri yuzasiga qora lok surtib tayyorlangan charm turi.

Навбатдаги тасниф атамаларнинг грамматик структураси билан боғлиқ бўлиб, у энг оммавийсидир. Жумладан, И.Б.Усатий ўзининг “Структурно-грамматические особенности составных терминов-названий частей речи” номли мақоласида уни куйидагича таснифлайди:

А: терминоэлемент-прилагательное (или причастие) + термин-существительное;

Б: термин-прилагательное + терминоэлемент-существительное;

В: терминоэлемент-прилагательное + терминоэлемент-существительное;

Г: термин-существительное + терминоэлемент-существительное;

Д: терминоэлемент-существительное + термин-существительное;

Е: терминоэлемент-существительное + терминоэлемент-существительное.¹

Яъни, атамаларнинг от ясовчи ҳамда сифат ёки сифатдош ясовчи қўшимчалар ёрдамида ясалиши борасида турларга бўлган. Бизнингча, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

От + сифат ясовчи қўшимча	ABR//ABRLI [f. بَرْلَى – bulut] Matoga solingan naqsh (gul), mato tandasini bog’lab rang berish natijasida hosil bo‘ladi.
Сифат +от	AGRI NAQSH ayn. egri naqsh [egri + a. اگری – naqsh] Burama shoxlar naqshi.
От + от	AJDAHO GILAM [f. (ayn. ajdarho) اشدره (afsonaviy katta ilon) + كليم] Ajdarho unsuri bor naqsh gilam.

¹ Усатый И.Б. Структурно-грамматические особенности составных терминов-названий частей речи.//Электронный научный журнал «Вестник Омского государственного педагогического университета» Выпуск 2007. www.omsk.edu

Сифат + от ясовчи қўшимча	BADIYLIK Asarning badiyligi uning hayotiy haqiqati va odatiy xussusiyati bilan, rassom talqin etayotgan g'oyaviyligi, ijtimoiy timsolning ahamiyatiligi, uning xalqchilligi bilan, shaklning umumiyligiga va mazmun-mohiyatiga erishgan muallifning mahorati bilan; asarning ijtimoiy-tarbiyaviy ta'siri ostidagi kuchi va samaradorligi bilan belgilanadi
От + кичрайтириш шаклини ясовчи қўшимча	BARGAK [f. بارگاک – bargcha] 1 Taqinchoq turi. Ayollar peshonasiga taqiladi. Tilla va kumushdan yasaladi; 2 Anjomsozlikda o‘mildiriqqa bezak sifatida yopishtiriladigan metall turi.
Сон +от	BESH XOLCHA [o‘zb.] Tasma naqsh unsuri, naqshning kompozitsiya va unsunlari.
От + от ясовчи қўшимча	GILKOR [f. گلکور – suvoqchi] Ganch yoki alebastrdan naqsh yasovchi ganchkor usta.

Умумий таснифни атамаларнинг морфологик-сintaktik тузилишидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, одатда икки асосий тип атамалар ажратилади: сўз атама ва бирикма атама.

Сўз-атама

Таснif сўзнинг морфем тузилишига мувофиқ амалган оширилади.

Түб сўз	HAYKAL [а. هېكىل – ulkan; katta bino] Kishi yoki hayvon gavdasining turli qattiq materiallardan yo'nib, o'yib yasalgan tasviri.
Ясама сўз	HUNARMANDLIK Mehnat qurollari yordamida turli xil mahsulotlar ishlab chiqarish kasbi. Masalan: duradgorlik, temirchilik, to'ghuvchilik, o'ymakorlik, zargarlik va boshqalar.
Қўшма сўз	RANGTASVIR Biror qattiq jism yuzasiga bo'yoq yordamida surtish orqali yaratiladigan tasviriy san'at turi. Jivopis bilan yaratilgan badiiy asarlarda rang va rasm, yorug'-soya, bo'yoqlarning ifodaviyligidan, asar ishlanayotgan tekislikda dunyoning rang-barangligini, buyumlarning xajmliligini, ularning sifatli moddiy o'ziga xosligini, muhitning chuqr mohiyati va yengil havosini namoyon etishga xizmat qiluvchi fakturasi va kompozitsiyasidan foydalaniladi.

Атамаларнинг морфологик тузилиши турлича бўлиши мукин: матнда мустақил ёки бошқа мустақил сўзлар билан ҳам қўлланиши мумкин.

Мустақил	Бирикма
SAN'AT [a. صنعت – ish, mehnat; mahorat; kasb-hunar] Borliqni obrazli idrok etish; ichki va tashqi olamning badiiy obrazdagi ifoda jarayoni yoki natijasi; shunday tartibda yo'naltirilgan ijodki, u nafaqat muallifning o'zini, balki boshqalarni ham qiziqtiradi.	SAN'AT SINTEZI Bu bir nechta turdag'i san'atlarning qo'shilib badiiy butun bo'lishi, o'ziga xos badiiy voqelikning bunyodga kelishi. San'at sintezini turli badiiy sohalar faoliyatida namoyon bo'lishi mumkin.
RANG [f. رنگ – rang] Yorug'lik nurlarining atrofdagi jismlarga, predmetlarga va hokazolarga urilib qaytishida hosil bo'lgan ma'lum bir natija. Masalan, predmetga yashil nurlar tushsa — yashil, qizil nurlar tushsa — qizil bo'lib ko'rindi	RANG TO'YINGANLIGI Yorqinligi jihatdan teng bo'lgan axromatik (bo'zrang) rangdan xromatik rangning ko'zga korinadigan farqli darajasi
	RANG VAZMINLIGI Rañglarning kishida og'ir va yengil taassurotlar uygotuvchi xususiyati, to'q va och ranglar.
	RANG YORQINLIGI Rangning tushayotgan yorug'lik nurlaridan ko'p yoki kam miqdorda jilolanish xossasidir. Yorug'lik nurlari ko'payib ketsa, rang och tusda, kamayib ketganda esa to'q tusda jonlanadi.
	RANG TUSI 1 Muayyan rangning boshqa rangdan farqlovchi rang sifati (masalan, qizilning ko'kdan); 2 Asar tuzilmasining umumiy rangli yoki nur-soyali tusi.

Бирикма-атама

Бирикма-атамалар уларнинг тузилиш типига қараб таснифланади:

Одатда бири бош ва иккинчиси тобе, (кўшимчали) аниқловчи бўлган икки мустақил сўздан ташкил топган оддий бирикмалар;

Бош сўзни турли маъно аспектлари (бажарилган харакатнинг замони, муносабат)ни аниқловчи тобе сўзлардан ташкил топган мураккаб бирикмалар.

Оддий бирикма-атамалар	Мураккаб бирикма-атамалар
QO'SHIMCHA RANGLAR Oq rang bilan yonma-yon turganda ko'zda ilg'anadigan yangi rang hosil qiladigan ikkita rangning qo'shilmasi.	RANGLARNING TENGLASHUV QONUNI Tenglik, ranglarning o'zaro muvofiqlashuv qonuni, to'ldiruvchi va qarama-qarshi ranglar misolida ko'rish mumkin.
QASHQARI GILAM [esk. o'zb .qashqar – uyg'ur va f. گەڭلەم – gilam] Qashqarga va qashqarliklarga xos gilam turi.	QADIMGI ZAMON USTALARI Odatda XV-XVIII asrlarda ijod qilgan Ovro'poning uyg'onish davridagi buyuk san'atkorlari: Donatello, Leonardo da Vinci, Rafael, Tisian, Mikelanjelo, Dyurer, Velaskes, Rubens, Rembrandtlar shu nom bilan atalgan.

Фанда атамаларнинг грамматик структурасига бағишиланган кўплаб ишлар амалга оширилган¹. Уларда атамаларнинг ясалиш хусусиятлари,

¹ Алексеева Л.М. Деривационный аспект исследования термина и процессов терминообразования (на материале научно-технической терминологии русского и английского языков): Автореф. ... дис. канд. филол. наук. – Пермь, 1990. – 19 с.; Баско Н.В., Шетэля В.М. Системные связи и словообразовательная структура терминов бизнеса // Научно-техническая терминология. – М., 2001. – №2. – С. 14-16.; Борисова Л.И. Лексико-стилистические трансформации

туркмларига муносабати, морфем таркиби, сүз грамматик шаклланишдаги ўзига хосликлари ўрганилган. Бироқ кўпчилик атамаларнинг от сўз туркумiga мансублигини таъкидлашади. Юқоридаги мисоллар ҳам буни исботлайди. “Бундан уларнинг терминологик тушунчалар ҳар доим предметларни ва “претметлашган” ҳодисаларни ифодалашини эътироф этишлари маълум бўлади”¹.

Миллий тасвирий ва амалий санъат атамаларини яна семантик хусусиятлари бўйича таснифлаш мумкин. Жумладан:

Жараён англатувчи атамалар	SIMKORI [ʃ. سېمىش – kumush va كار – ish] Kandakorlikda buyum ustiga turli metalldan (mis, kumush, tilla) qilingan simlarni qadab naqsh ishslash uslubi.
-----------------------------------	--

в англорусских научно-технических переводах (Метод. пособие). – М., ВЦП, 1981. – 168 с.; Васильева Н. В. Термин и имя собственное в текстоэнциклопедической статьи // Научно-техническая терминология. – М., 2001. – №2. – С. 26-27.; Гринев С.В. Введение в терминоведение. – М.: Московский лицей, 1993. – 309 с.; Гринев С.В. Введение в терминографию. – М.: Изд-во МГУ, 1995. – 158 с.; Даниленко В.П. Об одной модели терминов-словосочетаний // Научно-техническая терминология. – М., 1973. – № 10. – С. 12-13.; Даниленко В.П. Русская терминология. – М.: Наука, 1977. – 245 с.; Захарчук Е.А. Родо-видовое соотношение понятий как проявление систематизирующих свойств терминосочетаний // Научно-техническая терминология. – М., 2001. – № 2. – С. 45-47.; Кузьмина Н.Б. Морфолого-семантические очерки терминологии языкоznания: Автoreф... дис. канд. филол. наук. – Минск, 1971. – 32 с.; Пищулина Ю.Ф. Выражение пространственно-временных свойств категории действия в медицинской терминологии // Научно-техническая терминология. – М., 2001. – № 2. – С. 74-76.

¹ Нарходжаева Х.Ш. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик тадқики: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)... дисс. – Т., 2017. – 154 б.

Шахс англатувчи атамалар	SOZGAR [f. ساز – tor; musiqa asbobi] Milliy musiqa asbob (mas., dutor, tanbur, g’ijjak) larni yasovchi, tuzatuvchi usta.
Предмет англатувчи атамалар	QALAM [a. قلم – qamish pero; uslub; xat] 1 O‘rtasida ingichka grafit joylashgan yozuv, chizuv asbobi; 2 Kandakorlikda xilma xil naqsh zarb qiladigan, keskichlari po‘latdan yasalgan kandakorlik asbobi.

Шунингдек, оминимик, синонимик қаторлар ҳосил қилувчи атамалар ҳам мавжуд бўлиб, Д.С.Лотте¹, Р.Шукуров², К.Сапаев³ каби олимлар бу масалага маълум даражада сайдинлик киритишган. Синонимик ёки омонимик қатор кўпроқ бошқа тиллардан кириб келган сўзлар билан бойиши ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, миллий тасвирий ва амалий санъат атамлари ҳам бундан мустасно эмас.

¹ Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961. – С. 21-22.

² Шукуров Р. Терминлар синонимияси хусусида. // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: 1 республика терминологияси материаллари. – Т., Фан, 1986. – Б. 32-34.

³ Сапаев К. Қурилиш терминологиясидаги синонимия масаласига доир. // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: 1 республика терминология конференцияси материаллари. – Т., Фан, 1986. – Б. 37-39

Синонимия	Омонимия
<p>JIVOPIS//RANGTASVIR Biror qattiq jism yuzasiga bo‘yoq yordamida surtish orqali yaratiladigan tasviriylar san’at turi. Jivopis bilan yaratilgan badiiy asarlarda rang va rasm, yorug’-soya, bo‘yoqlarning ifodaviyligidan, asar ishlanayotgan tekislikda dunyoning rang-baranglagini, buyumlarning xajmlilagini, ularning sifatlari moddiy o‘ziga xosligini, muhitning chuqur mohiyati va yengil havosini namoyon etishga xizmat qiluvchi fakturasiga va kompozitsiyasidan foydalilanadi.</p>	<p>AXTA I Qog’ozga chizilgan naqshning chiziqlari igna yordamida teshib, kashtachilik, o‘ymakorlik, nahqoshlik, ganchkorlikda va shu kabi xalq amaliy san’ati turlarida naqshni yuzaga ko‘chirishda ishlataladi.</p> <p>AXTA II Juda yupqa, pishiq, ancha dag’al, bir tomoni yaltiroq xitoy qog’oziga.</p>

Шунингдек, моносемантик ва полисемантик атамалар ҳам бўлади ва Х.Ш.Нарходжаева жараён терминларининг семантик кўламида уни чукур таҳлил қиласиди¹.

Моносемантик	Полисемантик
<p>RASSOM Rangtasvir, grafikada ijod qiluvchi mutaxassis.</p>	<p>SUV 1 Jiyakda qo‘llaniladigan naqsh bo‘lagi; 2 Ayrim kashtalar naqshida ishlataladigan tekis chiziqlar.</p>

¹ Нарходжаева Х.Ш. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик тадқики: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)... дисс. – Т., 2017. – 154 б.

TAXMON [*o'zb.*] Uy yoki ayvon devorida sandiq o'rnatib, ustiga o'rin-ko'gra yig'ib qo'yiladigan tokchasimon maxsus joy.

TAHRIR [*a.* (*tahrir*) تحریر – *yozish; tuzatish*] 1 Naqqoshlikda gul chetlarini siyoh qalam bilan belgilab chiqish; 2 Zardo'zlikda kashta gulini hoshiyalab bezatishda ishlataladigan chok.

Берилган таснифлар содда ва қулай, уни кенгайтириш, тадқиқ қилиш, ўрганиш имкони мавжуд. Айримлари мавжуд тавсиялар экан, демак, изланиш авжида. Атамалар доимий равишда туғилиш хусусиятига эгалиги, бу масалада тадқиқотлар давом этишидан далолат беради. Уларни таснифлаб, бир тизимга солиш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди.

Тасвирий ва амалий санъат атамаларининг миллийлик хусусиятлари

Миллийлик – муайян халққа хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. Миллийликда миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади. Ҳеч бир халқ ўзлигини англамасдан, миллий маданияти, миллий қадриятларини асраб-авайлаб, сакламасдан туриб, бошқа халқларнинг қадриятларига ҳурмат билан қарай олмайди. Мустақил Ўзбекистоннинг куч-кудрати халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигидадир.

Жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий, ҳодисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб ҳаётимизнинг барча жабҳаларида “Қадриятлар”, “Миллий тикланиш”, “Миллий онг”, “Миллий ғурур” каби атамалар тез-

тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Ўзбек тили лугатидаги лексема семемаларининг маъновий хосланиши миллий ғоя ва миллий маънавият соҳасига тегишли тушунчаларни билдирувчи бирликлар билан ўзига хос тарзда бойиди. Бундай ҳолат Ўзбекистонда мустақиллик мафкурасининг шаклланиши ва тараққиёти давомида янгидан-янги хосланган маъноли бирликлар вужудга келишига олиб келди. Шу билан бир қаторда, уларни тадқик қилиш ҳам ҳамоҳанг жараён тус олди¹. Жумладан, Г.Н.Тожиева ўзининг “Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидағи тараққиёти” номли ишида “миллий ғоя” атов бирликлари тизимини тадқик этар экан, миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг ўзбек тили лисоний тизимидағи ўрни ва системавий хусусиятларини ёритиб беришга ҳаракат қиласди².

¹ Йўлдошев Қ. Миллий ғоя ва адабий таълим // Ўзбекистон овози. 2000 йил 21 декабрь.; Кўчимов Ш. Ўзбек миллий ҳукукий атамаларида шакл ва мазмун бирлиги муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2001. – № 6. – 130 б.; Махмудов Н. Миллий мафкура ва она тили // Халқ сўзи. 2000 йил 13 июнь.; Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар (маъруза матнлари учун матриаллар). – Т., Янги аср авлоди, 2001. – 184 б.; Нурмонов А., Мадвалиев А., Махкамов Н. Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослиги тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2011. – № 3. – Б. 3-11.; Тошбоев О.Ш. Миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида матбуотнинг ўрни: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 152 б.; Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Т., 2012. – 26 б.; Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалари лугати. – Т., Академия, 2007. – 352 б.; Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т., Шарқ, 2000. – 318 б.

² Тожиева Г.Н. Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидағи тараққиёти: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)... дисс. – Т., 2017. – 135 б.

Кўп йиллар давомида санъатшунослар “тасвирий санъат” тушунчасига “миллий” тўн кийдирмаслик керак деган фикрда яшадилар. Хусусан, А.Умаров¹нинг китобида у русча *изобразительное искусство* атамасининг маъносини берувчи ағдарма сўз, муқобил эмас, дейилганига гувоҳ бўламиз ва “...унинг ўзи бўлмаган” деган фикрини исломий таъкиклар билан боғлаймиз. Шундай бўлсада, дунё тарихидаги ибтидоий тасвирий санъат, хусусан, горларнинг деворларидағи турли тасвиirlар Ўрта Осиёда хам бўлганлиги маълум. Милоддан аввалги III-IV асрларга оид санъат асарлари, асосан, бино ичидаги деворий расмлар билан боғлиқ бўлиб, ҳайкалчалар, нақшлар асосий безак манбаалар сифатида ҳизмат қилган. Аммо Қўйқирилганқалъя (Хозарм) деворларидағи арфа чалаётган аёл ва қўш барабан чалайдиган эркак киши, шунингдек, қисик кўзли, қулогига сирға таққан, гулли кўйлак кийган аёл расмлар миллийликдан йироқлиги билан мушоҳадага чорлайди. Эҳтимол, мазкур ижод намунасини бошқа элат вакили ишлаган, ганчдан тайёрланган рангли рельефлар, ҳайкаллар, ғалаба залидаги горельфда шоҳ ва унинг атрофида аъёнлар, бошқа хонадаги рельефларда эса кийик, анор, шунингдек, узум дарахтларида миллат вакилининг кўли борга ўхшайди. Сабаби, амалий санъат, маълум бўлганидек, соғ миллий санъат турига киради. Бу каби топилмалар (Варахша – Бухоро, Айритом – Термиз, Далварзин тепа – Андижон, Афросиёб – Самарқанд) хусусида хам шундай фикрларни тахмин қилиш мумкин.

Ўрта аср Шарқ мамлакатларида тасвирий санъат соҳасида китоб графикаси билан боғлиқ миниатюра кенг ривож топган. Натижада, Араб (Бағдод), Эрон

¹ Умаров А., Аҳмедов М. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Т., Ўқитувчи. 1997. – 36 б.

(Табриз), Исфахон, Шероз, Турк, Моварауннахр, Хиндистон, Озарбайжон, Ҳирот, Бухоро, Самарқанд мўъжаз рангтасвир мактаблари пайдо бўлиб, уларнинг тепасида Мирақ наққош, Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Устод Гунг, Абдуллоҳ Ибн Фазил, Оға Мироқ, Кесу, Устод Шамсиддин, Абдул Боқи Табризий каби бир қатор рассомлар тураг эдилар. Улар орасидан Ўрта Осиё тасвирий санъат мактабига асос солганлар етишиб чиқади. Хусусан, Моварауннахр мўъжаз рангтасвирининг дастлабки намуналари Рашидиддиннинг “Тарих тўплами” номли асарида акс этган¹, унда бир қатор мўғил хонларининг образлари тасвирангланган. XV асрдаги Шарқ мутафаккирларидан Фирдавсий, Навоий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий қабиларнинг китоблари ҳам мўъжаз рангтасвир асарлари билан безатилган.

Умуман олганда, ҳар бир даврда жангу жадалларни, шоҳлар ҳаётини, учрашувлар, тарихий шахслар сиймосини тарих зарваракларида муҳрлаш учун рассомлар ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаган десак, муболаға бўлмайди. Демак, тушунчанинг ўзини “миллий” эмас дейилишига сабаб йўқ. У барча ҳалқ, элат ва миллат билан баробар ривож топган экан, “ўзбек” тушунчаси билан тенгдош ифода деган хуносага келамиз. Зоро, ўзбек ҳалқининг ҳунармандчиликка бўлган мойиллиги тасвирий санъат билан ҳамоҳанг.

Миллий тасвирий санъат атамалари миллий амалий санъат атамларидан кам эканлиги унинг бизнинг санъатимиз эмаслигига ишора эмас. Бунинг сабабини, тасвирий санъат соҳасига тегишли тушунчаларининг номини ўзга тилдаги муқобили билан ифода этилишидан излаш мақсадга мувофиқ. Чунки бу кўхна санъат минтақада ҳам ривож топган экан, тушунчалар

¹ Тошкентдаги Шарқшунослик институтининг кутубхонасида сакланмоқда

ифодаси ҳам нутқда мавжуд бўлганлиги аниқ. Ижтимоий тўқнашувлар, сиёсий бурилишлар, иқтисодий ва маънавий янгиликлар мавжуд атамаларнинг сақланиб қолишига тўсқинлик қилган деб тахмин қилиш мумкин. *Кирмизи, заргалдоқ, пистоқи, тўтиё, шингоб, тўтигий, нофармон, гулгун, норанжсваши, сомоний, ба-рикарам, сабза, пушти, садаф, малла, лоларўй, гулгун, зафарон, ложувард, фируза, новшадил, зумрад, сийбоб* сингари рангларни англатувчи атамаларнинг ўрнига, бошқа тилда мавжуд шу маънони берувчи лексикадан ёки унинг таржимасидан фойдаланилади ва бу – мазкур атмаларни нутқдан сиқиб чиқараётгандек тасаввур ўйғотади. Натижада, тасвирий санъат соҳасидаги миллийлик оҳори тўкилаётгандек бўлади.

Бугунги кунга келиб, тасвирий ва амалий санъат соҳасида миллийлик атамаларда эмас, ғояларда, бурилишларда, инновацион ижодларда намоён бўлар экан, “миллий” ёки “миллий эмас” деган фарқларга эҳтиёж бўлмай қолди. Демак, шакл эмас, моҳиятга эътибор кучаяр экан, ғояни ифода этиш учун турли синонимларга мурожаат этиш, ижод намунасининг глобализиси учун интернационал атамалардан фойдаланиш ва уни миллийликни ёйиш учун хизмат қилдириш, барча миллат вакилларига тушунарли бўлиши учун қўллашга эҳтиёж бор. Бугунги кунда, миллий истиқлол ғоялари билан сугорилган портрет¹, манзара ва натюрморт², тарихий, турмуш³ ва

¹ Амир Темур, Алишер Навоий, Жамолиддин Мангуберди, Камолиддин Бехзод, Нодирабегим, Бибихоним, Спитамен.

² Л.Салимжонова, А.Мўминов, С.Абдуллаев, И.Хайдаров, О.Қозоков, Ф.Абдураҳмонов, А.Мирсоатов санъат асарлари.

³ Б.Жалоловнинг “Олтин аср”, “Коинот устунлари”, “Абадият гумбази остида”, С.Алибековнинг “Ғаройиб шарбат хиди”, Ж.Умарбековнинг “Зилзила”, “Ҳаворанг мусиқачилар”,

бошқа жанрларда миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлигини яққол кўришимиз мумкин.

Кўхна миллий амалий санъатимиз ҳам мустақиллик йилларида анчагина тараққий топди. Тарихий сиймоларнинг ҳайкаллари бунга яққол далилдир. Шу билан бир қаторда, бу соҳадаги инновацион ғоялар мамлакатнинг иқтисодий ва сайёхлик саноати ривожига хисса қўшаётганлиги қувонарли ҳол.

Амалий санъатдаги атамаларнинг кўпчилиги истеъмолда эканлиги ҳамда хусусийлиги билан қимматли. Бу миллий амалий санъат атамларининг бошқа тилларга таржима қилинмаслиги, муқобил йўқлиги ва қандай бўлса, шундайлигича таржимаизоҳли луғатларда акс этишидан далолат беради. Ўзбек ҳалқининг қон-қонига сингиб кетган рўзғор тебратиш, тирикчилик манбаи ҳисобланган хунармандчилик кўпчилик бошқа ҳалқ ва миллат учун санъат даражасидаги машғулот сифатида қабул қилиниб, бугунги кунда миллатнинг ҳам ўз санъат турига айланиб бормоқда. Амалий санъат атамасининг ўзи ҳакидаги А.Умаровнинг “...руска “прикладное искусство” атамасининг ағдармаси. Ваҳолангки, унинг ўрнига “хунармандлик” атамасининг ишлатиши тўғри бўлади”¹ деган фикрига қўшилмаган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, хунармандлик – санъат эмас, қўл билан яратилган, бадиий завқ улашувчи меҳнат маҳсулини санъат – амалий санъат, десак, тўғри бўлади.

Хулоса қилиб, бу икки ихтисосликнинг тўпланган барча (жумладан, ўз ва ўзлашган) атамалар луғатини номлашда “миллий” сўзини қўшмаслик керак, деган фикрга қарши қуйидагича жавоб бериш мумкин. Мил-

Б.Охуновнинг “Будданинг тонги сайри” кабилар.

¹ Умаров А., Аҳмедов М. Таsvирий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Т., Ўқитувчи. 1997. – 36 б.

лийликни билиш ва англаш учун миллатлар ўртасидаги фарқлар ва тафовутларни ҳам ўрганмоқ зарур. Аммо бу миллатлар орасидаги фарқларни мутлақлаштириш эмас, балки уларни яқинлаштирувчи томонларга ҳам эътибор беришни талаб этади. Бошқа миллатларнинг ютуқ ва изжобий тажрибаларини ўрганиш, уларни ўзлаштириш миллийликни бойитади ва ривожлантиради.

Фасл бўйича хуносат

Янги терминларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган таржима қилиш усули таржимонларнинг тажрибасида кенг ёйилган ҳодиса. Ўзлаштириш ҳисобидан ўзлашган атамалар микдор жиҳатдан салмоқли ўринни эгаллайди ва мазкур жараён интернет ёрдамида амалга ошиб, ўзлашган лексиканинг бойишида у муҳим роль ўйнайди.

Янги терминлар тилнинг ички ресурслари асосида ҳам пайдо бўлади. Хусусан, мавжуд умумистеъмол сўз ёки атама маъносининг кенгайиши, янгисининг пайдо бўлиши шулар жумласидан. Кўп атамаларнинг бир пайтнинг ўзида умумий лексикада ҳам мавжудлиги ва бирор фаннинг бўлимида бошқа ўзига хос маъноси борлиги бунга далил.

Атамаларнинг тил қонуниятларига бўйсунган ҳолда, умумий лексикадаги сўзларнинг атамалашуви, бошқа тиллардан ўзлашиш йўли ёки терминларининг она тилдаги қўшимчалар ёрдамида калькаланиши билан яратилади. Атаманинг семантик ясалиши эса сўзнинг маъноси ёки вазифасини таҳрир қиласиди. Шу билан бир қаторда, ўхшаш воқеа-ҳодисалар ёки фактлар ўртасидаги маъно жиҳатдан уйғунликни намоён қиласиди.

Шунингдек, бобда қайд этилганидек, атамалар умумистеъмол сўзларнинг атамалашиши ва атамаларнинг умумлексик қатлам қаторидан ўрин эгаллаши; от ясовчи ҳамда сифат ёки сифатдош ясовчи қўшимчалар ёрдамида ясалиши; морфологик-синтактик тузилиши; семантик хусусиятлари бўйича оминимик, синонимик қаторлар ҳосил қилувчи; моносемантик ва полисемантик хусусиятлари бўйича таснифий белгиларга эгалиги хусусида хулоса чиқариши мумкин.

Атамаларнинг миллийлик хусусиятига эгалиги борасида бир қанча ишлар амалга оширилган бўлиб, мустақиллигимизнинг биринчи қунидан бошлаб хаётимизнинг барча жабҳаларида миллий гоя ва миллий маънавият соҳасига тегишли тушунчаларни билдирувчи бирликлар ўзбек тили лексикасида кенг кулич ёзди. Миллий тасвирий санъат атамалари ҳам шулар жумласидан. Тадқиқод натижасида Миллий тасвирий санъат атамлари нисбатан кам эканлиги аён бўлгач, тасвирий санъат соҳасига тегишли тушунчаларининг номини ўзга тилдаги муқобили комуникацияга киришиши кашф этилди. Ваҳолангки, бу кўхна санъат минтақамизда чукур тарихга эга бўлиб, буни адабиётлар билан далиллаш имконияти мувжуд. Табиийки, тасвирий санъат соҳасига тегишли тушунчалар ҳам нутқда мавжуд бўлган. Бироқ, истеъмолда ўзлашган атамалар фаоллик қилган.

Хозирда, миллийлик атамаларда эмас, ғояларда, бурилишларда, инновацион ижодларда намоён бўлмоқда. Миллийлик моҳияттан тасаввурларда яшар экан, ғояни ифода этиш учун турли синонимларга мурожаат этиш, ижод намунасининг глобализации учун интернационал атамалардан фойдаланиш ва уни миллийликни ёйиш учун хизмат қилдириш,

барча миллат вакилларига тушунарли бўлиши учун ўзлашган атамалардан фойдаланиш миллийликнинг аҳамиятнини пасайтирумайди.

Амалий санъатдаги атамаларнинг кўпчилиги истемолда эканлиги ҳамда хусусийлиги билан қимматлидир. Бу миллий амалий санъат атамларининг бошқа тилларга таржима килинмаслиги, муқобил йўқлиги ва қандай бўлса, шундайлигича таржимаизоҳли луғатларда акс этилишига сабаб бўлади.

Миллийлик миллатлар ўртасидаги фарқлар ва тафовутларни билиш ва англаш билан юзага чиқар экан, уларнинг орасидаги фарқларни мутлақлаштириш эмас, балки бирлаштирувчи томонларга ҳам эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ўзга миллатларнинг тажрибаларини ўзлаштириш – миллатни юксак самараларга етаклайди.

Иккинчи фасл

АТАМАЛАРНИНГ ЛУҒАТЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ

Республикамизда таълимнинг умумий мақсади ижодий ва мустақил фикрловчи ҳамда юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш экан, ҳар бир фан ўз олдига юксак вазифаларни қўяди. И.А.Каримов “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” номли маърузасида бу масалага алоҳида эътибор қаратган: “Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирап эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим-тарбиясини кўрган шахслар керак... Албатта, билим керак, аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш – катта бойлик”¹. Бунда таълим олувчининг сўз бойлигини ошириш, сўзларнинг маъно нозикликлари, фарқ ва ўхшашликларини ҳис этиш ва англаб етишга кўмак бериш, бехато талаффуз қилиш ва ёзиш, сўзларни боғлаб гап, гаплардан эса матн тузу олиш, бирикмалардаги маъновий ва грамматик, матндағи мантикий хатоларни топиш ва тузатиш, ўзганинг фикрини тўғри англаш, бир фикрни турли шаклда ифодалаш, узилган фикрнинг давомини тиклаш ва тил имкониятларидан унга мос равишда фойдаланиш кўнилмаларини шакллантириш ва малакасини ўстиришда ўзбек тилининг ўрни, жумладан луғатлар билан ишлашнинг аҳамияти бекиёс.

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., Шарқ, 1997. –Б. 32.

Терминологик луғатлар маълум бир соҳага тегишли сўзни изоҳлайди. Терминологик луғат изоҳли ёки таржима кўринишига эга бўлади. Демак, уни бир тилли ва кўп тилли луғатга бўлиш мумкин¹.

Терминлар кўлланилиш доираси чегараланган лексика таркибида бўлиб, бу тоифага яна диалектал лексика, ноадабий (арго ва жаргон) лексикалар хам мансуб.

Касб-хунар терминлари – турли касб-хунар эгалари нутқида қўлланувчи лексемалар. **Илмий терминлар** кўп ҳолда таржимасиз бўлганлиги туфайли дунё фанини бир бутунлик сифатида ушлаб туради.

Турли соҳа термини ўхшаш бўлиши мумкин. Масалан, [морфология] атамаси тилшуносликда хам, зоологияда хам ишлатилади. Уларни омоним лексемалар сифатида қарааш мақсадгага мувофиқ.

Термин маълум бир тилга хос ёки байналмилад бўлиши мумкин. Байналмилад атамани таржима килишга, уларга муқобил вариант қидиришга уриниш маъқул эмас². Биз бу фикрларга суюниб, ишни, аввало, луғатлар, тадқиқот обьекти бўлган мазкур мавзудаги ишларни ўрганишдан бошлаймиз.

Атамалар луғатлари ҳақида

Луғатшунослик – луғат тузишнинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи тилшунослик соҳаси. Ўзбек луғатшунослиги катта ютуқларни қўлга киритди. Кўп томли “Ўзбекистон энциклопедияси”, икки ва беш томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”,

¹ Сайфуллаева Р.Р. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти. 2010. –Б. 121.

² Сайфуллаева Р.Р. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., “Фан ва технология” нашриёти. 2010. –Б. 112.

ўзбек тили фразеологияси, терминологияси, касбхунар лексикаси, Навоий асарлари тилининг луғати ва бошқа соҳалар бўйича ҳам қатор луғатлар юзага келди. “Ўзбек тилининг морфем луғати” янги типдаги луғат сифатида яратилди. Ўзбек луғатчилигининг ривожланишида, айниқса, А.К.Боровков, К.К.Юдахин, В.В.Решетов, О.Усмонов, Р.Дониёров, З.Маъруфов, Ш.Раҳматуллаев, С.Акобиров, Г.Михайлов каби олимларнинг хизмати катта. Бугунги кунда мактаб ўқувчилари учун “Она тили” дарслигига ёрдамчи манба сифатида яратилиб, “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган маънодош сўзлар¹, зид маъноли сўзлар, сўзларнинг даражаланиши², сўз таркиби³, сўз ясалиши, ўзлашма сўзлар⁴, сўзлар бирикувчанлиги ўқув луғати, эскирган сўзлар⁵, иборалар ўқув луғати⁶, ўзбек тилининг этимологик, топонимик, талаффуздош сўзлар ўқув изохли луғат⁷лари дунё юзини кўрди. Бу еса она тилини тўлик эгалашда қўшимча билим манбай бўлиб хизмат қилиши табиий. Зоро, “...луғатларсиз ижодий тафаккурни ривожлантириш мумкин эмас, оғзаки ва ёзма нуткни ўстириш воситаси бўлган жорий

¹ Шукуров О., Бойматова Б. Ўзбек тилининг маънодош сўзлар ўқув луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009

² Бобожонов Ш., Исломов И. Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиш ўқув луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009.

³ Менглиев Б., Бахриддинова Б. Ўзбек тилининг сўз таркиби ўқув луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009.

⁴ Ҳамраева Ё. Ўзбек тилининг ўзлашма сўзлар ўқув изохли луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009.

⁵ Норхўжаева Х. Ўзбек тилининг эскирган сўзлар ўқув луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009.

⁶ Менглиев Б., Бойматова О., Худойбердиева М. Ўзбек тили иборалари ўқув луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009.

⁷ Она тили. Қомус. Тузувчилар: Менглиев Б. Холиёров Ў. Қодирова Х. – Т., Янги аср авлоди. 2010. – Б.6.

дарсликлар ўз вазифасини тўла бажара олмайди”¹. Шундай экан, луғатлар таълимнинг маълум бўшлифини тўлдиради дея bemalol айта оламиз.

Атамалар луғатлари ҳам дарсликлардаги атамаларнинг нотўғри қўлланилиши, ҳар хилликлар, чалкашликларга йўл қўйилмаслиги учун қўлланма вазифасини ўтайди. Бугунги кунда зарур илмий атамаларни қамраб олган маҳсус луғатлар ҳам чоп этилиши ривожланиб бормоқда. Хусусан, юридик², ҳуқуқий³ атамалар луғатлари мустақилликдан кейин авж олди. Бу собиқ президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Норматив ҳуқуқий атамалар комиссиясининг тузилиши билан боғлиқ, қонун тилининг пухта ишланишига қаратилган чора тадбирлардан бири бўлди. Мазкур луғатлар ҳуқуқий атамаларнинг барқарорлигини таъминлашга, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, миллний истиқлол гоясигининг мазмун моҳиятини тўлароқ очишга, мафкуравий тарбияни тўғри ташкил этишга хизмат қиласидиган ва шу соҳада тез тез ишлатиладиган баъзи тушунча, тамойил ва атамаларга қисқача изоҳлар берилган изоҳли тажрибавий луғат⁴ Ислом Каримов асарлари асосида тайёрланган, унда икки юзга яқин

¹ Замонавий она тили. Мавзулаштирилган луғат. Тузувчилар: Б.Менглиев ва б. – Т., Шарқ. 2011. – 280 б.

² Юридик атамалар комусий лугати. Масъул мухаррир X.Р.Рахмонкулов, – Т., Шарқ, 2003, – 432 б.; Аҳмедов F. Русча ўзбекча юридик атамалар лугати. – Т., Адолат, 2002, – 328 б.

³ Ортиков А. Иқтисодий ҳуқуқ атамаларнинг изоҳли луғати. – Т., Фоғур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, – 168 б.

⁴ Миллний истиқлол гояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. Монография. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар маркази. Ўзбекистон файласуфлари миллний жамияти. – Т., Янги аср авлоди, 2002, – 191 б.

тушунча, тамойил ва атамалар лугатчилик амалиётида қарор топган тартибга риоя қилинганд ҳолда алфавит тартибида берилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий атамаларнинг ҳам изоҳли луғатларига эҳтиёж сезилди¹. Ўзлашмалар ва тушунилиши қийин бўлган айрим атамалар ушбу луғатлардан ўрин олди. Шунингдек, биология², геология³, география⁴, кимё⁵, физика⁶, ботаника⁷, гидрология⁸ ва бошқа фанлар атамалари

¹ Эргашев Т. Иқтисодий атамаларнинг ўзбекча инглизча русча луғати. – Т., Шарқ, 2001. – 63 б.; Дўстмуҳаммедов Ж. Инглизча ўзбекча русча иқтисодиёт атамалари луғати. – Т., Ўзбекистон, 1994, 124 б.; Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти атамаларининг русча ўзбекча луғати. – Т., Ёзувчи, 1994, – 62 б.

² Биология атамаларининг русча ўзбекча қисқача луғати. Монография. – Т., Фан, 1995, 67 б.; Бўриев Х. Биология атамаларининг русча ўзбекча қисқача луғати. – Т., 1995. – 250 б.; Мусаев Ш.М. Микробиология атамаларининг русча ўзбекча изоҳли луғати. Монография. – Т., Фан, 1975, 94 б.

³ Геология атамаларининг русча ўзбекча қисқача луғати. Ўзбекистон Республикаси атакуми. Тошкент давлат Техника университети. – Т., Фан, 1994, 95 б.; Маъдан геологияси атамаларининг қисқача изоҳли русча ўзбекча луғати. – Т., ГИДРОИНТЕО. 2002, – 250 б.; Рашидов Д. Муҳандислик геологияси ва гидрология атамаларининг русча ўзбекча қисқача луғати. Монография. – Т., Фан, 1995.

⁴ Мирабдулла ўғли Мирортиқ. Жўғрофий атамалар луғати. – Т., 1992, – 56 б.

⁵ Дўстмуродов Д. Кимё атамалари луғати. – Т., Ўзбекистон, 2003, – 400 б.; Ахмедов К.С. Кимё атамаларининг русча ўзбекча қисқача луғати. Монография. – Т., Фан, 1993, – 41 б.

⁶ Бекжонов Р.Б. Физикадан русча ўзбекча атамалар луғати. 20000 га яқин сўз. – Т., Ўқитувчи, 1991, 296 б.; Аъзамов А. Атмосфера физикасидан русча ўзбекча атамлар луғати. – Т., 2004, 96 б.

⁷ Ахмедова М. М. Инглизча ўзбекча русча ботаника атамалари луғати. – Т., Ўзбекистон, 2003. – 128 б.

⁸ Расулов А.А. Гидрология атамалари ва тушунчаларининг русча

луғатларининг пайдо бўлиши олий ўқув юртлари ўқитувчиларига, талабаларга мазкур фанларни чуқурроқ ўзлаштиришларида кўл келди. Мазкур лугатларда ҳам кўпчилик атамалар рус тилига турли тиллар, яъни, араб, юон, инглиз, лотин ва бошقا тиллардан кириб қолган ва дунё миқёсида шу ҳолда кўлланилгани сабабли атамаларни ўзлашма шаклида қолдирилганлигини кузатишмиз мумкин.

Муайян тилнинг грамматик¹, методик² лугатлари ҳамда боғдорчилик³, сабзавотчилик⁴, бинокорлик⁵, божхона⁶, жисмоний тарбия⁷, политехника⁸ атамалари лугатлари ҳам ўзбеклуғатчилиги ривожига ҳисса қўшди. Уларнинг аксарияти соҳа мутахассислари, институт ва

ўзбекча лугати. – Т., Университет. 1993. – 96 б.

¹ Мирсоатов Т.З. Немисча ўзбекча грамматик атамалар изохли лугати. Монография. – Т., Ўқитувчи. 1992, – 152 б.

² Русча немисча ўзбекча методик атамалар лугати. – Т., Ўқитувчи. 1992, – 143 б.

³ Мирзаев М.М. ва б. Боғдорчилик ва тоқчилик атамаларининг русча ўзбекча қисқача лугати. Монография. – Т., Фан, 1995, 78 б.

⁴ Азимов Б.Ж. Сабзавотчилик атамаларининг русча ўзбекча қисқача лугати. – Т., 1997. – 85 б.

⁵ Бинокорликдан русча ўзбекча атамалар лугати. Монография. – Т., Қомуслар бош таҳририяти. 1994. – 222 б.; Холмуродов Р.И., Шарофиддинов К.Ш., Азизов А.П. ва б. Курилишга доир атамаларининг русча ўзбекча лугати. – Т., Ўзбекистон, 1993 – 111 б.; Латипов А., Ғуломов И. Ер тузиш ва ер кадастри бўйича атамаларининг русча ўзбекча лугати. Монография. – Т., 1995. – 79 б.

⁶ Божхона атамалари русча ўзбекча қисқа лугати. – Т., 2002. – 112 б.

⁷ Бобоёров М.Х. Мустақиллик даври жисмоний тарбия ва спорт атамаларининг шаклланиши. Фил.фан.номз... автореф... 10.02.02. Самарқанд, 2002. – 33 б.

⁸ Салимов О.У. ва б. Русча ўзбекча политехника атамалари лугати. – Т., Фан, 1995. 356 б.

ўрта махсус билим юртлари талаба-ўқитувчиларига мўлжалланган. Бу борада тарихий атамалар луғати кўп йиллик тажрибага эга десак муболаға бўлмайди. Б.Аҳмедовнинг 1977 йилда чоп этилган “Тарихдан қисқача изоҳли луғат”и, Ж.Бекмуҳаммедовнинг 1986 йилда нашр этилган “Тарих терминларининг изоҳли луғати” ва ниҳоят 2002 йилда “Тарихий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати”¹ луғатчилик ривожида муҳим аҳамият касб этди.

2004 йилда нашр этилган “Фармацевтик атамаларнинг русча-ўзбекча луғати”² касбий атамалар муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Луғатга фармацевтика ва тиббиётда дори воситаларининг турли хосса ва хусусиятларини ифодалашда кенг кўлланадиган 3000 га яқин сўз ва ибора ва муҳим сўз бирималарининг ўзбек тилидаги таржимаси, шунингдек уларнинг изоҳлари киритилган, унда бир қатор лотин, грек ва инглиз тилларидан ўзлаштирилган сўзлар умумий ҳалқаро қабул қилинган кўринишда, уларнинг изоҳи ўзбек тилида берилган.

Аммо адабиётларнинг аксарияти бир тилли ёки икки тилли, электроника³га бағишилганни бизнинг ишимизга маълум даражада ўхшайди. Ушбу адабиёт 1983 йилда чиққан “Электрон асбоблар”, 1990 йилда чиққан “Микроэлектроника”, 1991 йилда чиққан “Ўта юксак частотада ва ёруғлик диапазонида ишловчи

¹ Чориев. З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Т., Академия, 2002. 316 б.

² Фармацевтик атамаларнинг русча ўзбекча изоҳли луғати. Мухаррир фалс.фан.номз. А.Б.Кабиров. – Т., Зар қалам, 2004. 168 б.; Одам скелети сукларининг рентгоноанатомик атамалари. Монография. – Т., Ибн Сино, 1992. 71 б.

³ Юнусов Н. Электроника бўйича асосий тушунча ва атамаларининг ўзбекча русча инглизча изоҳли луғати. – Т., 1996.

асбоблар” бўйича асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли луғатларининг таркибий қисми ва давоми, у ҳозирги кунда инфомрацияни қабул қилиш, узатиш, ишлаш ва сақлаш мақсадларида кенг қўлланаётган оптоэлектрон асбобларнинг физик асослари, характеристика ва параметрларига бағишиланган. Унда атамаларнинг номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида келтирилган, афсуски, уларнинг талқини эса фақат ўзбек тилида берилади.

Албатта, ҳар бир нарсанинг ютуғи бўлганидек, юқорида зикр этилган адабиётлар ҳам камчиликлардан холи эмас. Аммо улар луғатчиликнинг такомиллашишида катта аҳамият қасб этади. Кейинги ишларнинг йўналиши ва қўламини белгилашга ёрдам беради.

Миллий тасвирий ва амалий санъат атамалари луғати муаммо сифатида

Ўзбекистон санъатининг қадимийлиги, бой маданияти дунёга машхур. Унинг заминида қад қўтариб турган ёдгорликлар ва тарихий қазилма бойликлар ўзига хос бир улкан музейни ташкил қиласиди. Аждодларимиз томонидан яратилган тақрорланмас амалий безак санъати теран мазмунли ва юқори бадиий қийматли маданият ёдгорлиги сифатида намоён бўлади. Асрлар давомида орттирилган маданий бойлигимиз, хусусан, ўзбек миллий халқ амалий безак санъатининг ганчкорлик, наққошлиқ, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошлиқ, сувяк ўймакорлиги, кандакорлик, пичоқчилик, саватчилик, бўйрачилик каби турларнинг ўзига хос бажариш технологияси, мактаблари, услублари борки, у бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аммо тасвирий ва амалий

санъят атамалари тилшунос ва санъатшуносларнинг эътиборини йиллар давомида тортиб келаётган бўлсада, бугунги кунга қадар уларнинг луғат-кўрсаткичини тузиш масаласи очиқ қолган. Зеро, бадиий таълимда жуда кўп тушунчаларга ва атамаларга дуч келинади (масалан, *мадохил*, *турунж* ва б.), уларнинг маъно ва мазмунини исталган вақтда тегишли адабиётлардан топиш амримаҳол. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида айрим атамалар ўзларининг маҳаллий шеваларида ҳар хил ифодаланади. Масалан “ганч”ни Тошкентда “ганч” деб юритилса, Марғилонда “бўр” деб, “ахта”ни Хоразмда “улги” дейилса, Тошкентда “ахта” деб юритилади. Шунинг учун, ушбу атамалар изоҳли луғатининг яратилиши ифодаларни тушунишдаги ҳар хилликка барҳам беради. Ўқувчиларни халқ усталарининг бу санъят соҳасидаги ютуқлари билан таништиришда ҳамда келажак авлодга ўзбек миллий санъатини мустаҳкам ўргатишда дастуруламал вазифасини ўтайди.

Мамлакатимида тасвирий санъат атамалари луғатлари борасида муайян ишлар амалга оширилган, 1991 йилда нашр этилган С.С.Булатовнинг “Ганчкорлик, наққошлиқ ва ёғоч ўймакорлиги атамаларига оид изоҳли луғат”¹ бунга яққол далил бўла олади. Муаллиф тажрибали усталар, санъатшунослик, тилшунослик мутахассисларининг атамаларни тўплаш, ўрганиш, тадқиқ этиш ҳакидаги фикрларини инобаттга олиб, ҳар хил адабиётлар, мақолалар, архив манбалар билан танишган ҳолда ўзи тўплаган халқ амалий безак санъатида учрайдиган атамаларнинг маъноларини тушунтириб беришга интилган. Аҳамиятли томони

¹ Булатов С.С. Ганчкорлик, наққошлиқ ва ёғоч ўймакорлиги атамаларига оид изоҳли луғат. – Т., Мехнат, 1991. 78 б.

шундаки, мазкур луғатда атамалар алфавит тартибида берилган, чизмалар билан бойитилган. Масалан:

“**БАРГ** – ўсимликсимон нақш элементи бўлиб, наққошлар томонидан табиатдаги ўсимлик баргларини умумлаштириб олинган тасвири. Баргларнинг қуйидаги турлари бор: шобарг (шох барг), ўсимликсимон нақш элементларидан бири бўлиб, барглар ичидан энг каттаси ҳисобланади. “Кўшбарг” икки баргдан иборат бўлган ўсимликсимон нақш элементи, “кўпбарг” бир неча барглардан ташкил топган ўсимликсимон нақш элементи, (чорбарг) тўрт баргдан иборат бўлган нақш элементи, (хурмо барги) хурмо дарахти баргининг наққошлар томонидан умумлаштириб олинган тасвири, тол барги, анор барг, қашқарча барг, маходил барг, кўшбодом барг, қалампир барг, нок барг, санбит барг, бутоқ барг ва бошқа турлари бор.



Барг нақш композицияда тўлдирувчи ва хусн берувчи элемент бўлиб тузилишига кўра оддий ва мураккабга бўлинади. Оддий баргларга уч барг, бодом барги, тол барги ва бошқалар киради. Мураккаб баргларга эса кўпбарг, шохбарг ва бошқалар киради (4-расм).¹

¹ Булатов С.С. Ганчкорлик, наққошлиқ ва ёғоч ўймакорлиги атамаларига оид изоҳли луғат. – Т., Мехнат, 1991. – Б.11.

Кўриниб турганидек, ушбу адабиёт устозшогирд анъанаси¹га мувофиқ равишда фақат тор доирадаги таълим муассасаларидагина ташкил этилган наққошлиқ, ганчкорлик ва ёғоч ўймакорлиги тўғаракларининг раҳбарлари ҳамда аъзолари учун мўлжалланган атамаларнинг муфассал изоҳли луғати. Ундан нафақат бадиий таълим муассасасининг бидиий графика факультети талабалари, балки, санъатшунослар, меъморлар, таъмирловчи усталар, санъат усталари, миллий маданият анъаналари билан кизиқувчилар фойдаланишлари ҳам мумкин.

1997 йилда нашр этилган санъатшунос А.Умаров хамда М.Ахмедов ҳаммуаллифлигига “Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати”² номли мактаб тасвирий санъат ўқувчилари ва бадиий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган адабиёт ҳам бу йўлдаги тажриба қадамлардан бири. Муаллифлар мазкур луғатни тузишда атамаларнинг айнан таржимасини берибгина қолмай, унинг ўзбекона атамаларини топишга ҳаракат қилиб кўришган. Зеро, аксарият тасвирий санъат атамалари рус тили орқали кириб келган

¹ Узтоз-шогирд анъанаси кўп асрлик анъанага эга, ихчам шакл, бир гурух ўқувчиларни индивидуал ўқитиш принципига асосланган миллий усул. У таълим соҳасида анъанавий санъат турлари, асосан анъанавий бадиий хунармандчилик йўналишига эга. Ўзбекистондаги бадиий таълимнинг бошқа тури, бу мамлакатимизда XIX аср охиirlарида тарқалган Европа классик йўналишидир. Бу жараён маҳаллий ҳалқ маданий мухитига санъатнинг европача шакллари – дастгоҳли ва маҳобатли рангтасвири, ҳайкалтарошлиқ ва графиканинг кириб келиши билан боғлиқ бўлди. Бугунги кунда таълимнинг бу икки йўналиши бир-бирини ўзаро тўлдириб турган холда Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг таълим тизимида қўлланилади.

² Умаров А. Ахмедов М. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Т., Ўқитувчи. 1997. 36 б.

ўзлашма сўзлардан иборат. Ўрни билан айрим туркий сўзлардан фойдаланилган. Масалан, алфавит тартибида бериладиган сўзларнинг “Ч” кисмида фақатгина иккита сўз: **ЧИТГАРЛИК** (чит ишлаб чиқариладиган соҳа) ва **ЧИНКВЕНЧЕНТО** (Италия уйғониш даврининг юксак босқичи, XV асрда шундай деб аталган) атамаси келтирилган. С.Булатовнинг изоҳли луғатида эса:

**ЧАКИЧ ЗАМИН
ЧАРХИЙ ГУМБАЗ
ЧАСПАК ДАСТАРРА
ЧАШМИ БУЛБУЛ ЗАНЖИРА
ЧЕКМА
ЧЕКМА ИСКАНАЛАР
ЧИЗМА ПАРДОЗ
ЧОКА ПАРДОЗ
ЧАПУ РОСТ ТАҚСИМ
ЧОРБАРГ**

каби атамаларнинг изоҳлари тўлиқ қайд этилган. Ва, аксинча, С.Булатовнинг изоҳли луғатида “Ц” кисмида ҳеч қандай сўз келтирилмай, А.Умаровнинг изоҳли луғатида ягона **ЦИНКОГРАФИЯ** (цинкка ўйиб ишланган ва ундан олинган босма тасвир) атамаси ўз аксини топади. Бу ҳам ўзбек тили ҳарфлар тизимида мавжуд бўлмаган ҳарф бўлганлиги, шунинг натижасида, шу ҳарф билан бошланувчи нутқий бирликларнинг йўқлиги сабабли милий тасвирий санъат атамалари қаторидан ўрин олмаганлиги билан изоҳланади.

Ва, ниҳоят, XXI аср бошига келиб тасвирий ва амалий санъат атамаларининг муфассалроқ изоҳли луғати¹ дунё юзини кўрди. 2001 йил Б.Нодир томонидан

¹ Нодир Б. Тасвирий ва амалий санъат атамаларининг изоҳли

“Санъат” нашриётида чоп этилган мазкур лугат нафақат шу даврда күпроқ мурожаат қилинадиган атамаларни, балки халқ тилидаги турлича атамалар¹ ва қадимги архаик атамалар²ни ҳам ўз ичига олган. Адабиётнинг юқоридаги китоблардан батафсилроқ эканлигини “Ч” ҳарфининг ўзида 35 га яқин миллий тасвирий санъат атамаларининг изоҳи акс этганини айтиб ўтиш кифоя. Масалан:

**ЧАККАДЎЗИ
ЧАКМОН
ЧАКМАТУР
ЧАМБАРАК
ЧАРХБЕЧА
ЧАЧВОН, ЧИММАТ
ЧИТ
ЧИМИЛДИҚ**

каби минтақамизнинг турли ҳудудларида қўлланадиган амалий санъат атамаларининг изоҳлари лугатдан ўрин олган.

Албатта, санъат соҳасидаги адабиётларда йўл-йўлакай глоссарий, таянч тушунчалар тарзида тасвирий ва амалий санъат атамалари муаммоси ўзига хос тарзда ечилиб келинган. А.Ҳакимов ва Э.Гульнинг ЮНЕСКО ваколатхонаси билан ҳамкорликда чоп этилган “Байсун – атлас художественных ремёсел”³

лугати. – Т., Санъат, 2001

¹ Алвон, аргувон, кирмизи, гулоби, нилоби, каптарбўйин, сарғиши, нилфом, норфом, кўкча, окчили...

² Азрак, акхоб, кўхлий, байзо, обсун, шафакгун, хуний, фалфолий, утружий, усфурий, дамавий, кутий, ринд, сабзагун...

³ Ҳакимов А. Гуль Э. Байсун – атлас художественных ремёсел. – Т., «PRINT-S», 2006.

номли китобида бир неча йўналишларга бўлинган 200 га яқин халқ амалий хунармандчилигига оид атамаларнинг русча изоҳлари, Н.Норматовнинг рассом Рустам Худойбергановга ҳёти ва ижодига бағишлиланган “Ранглар юртига йўл” номли асарларида 150 га яқин замонавий тасвирий санъат атамалари¹нинг ўзбекча изоҳлари, Ч.Абдуллаева ва Ф.Тоироваларнинг “English for art and design students II”²номли ўқув қўлланмасидан ўрин олган 350 га яқин тасвирий санъат атамаларининг инглизча изоҳлари шулар жумласидан. Бу атамларнинг аксарияти санъат соҳасининг турли йўналишларига бағишлиланган ҳамда худудий жиҳатдан, йўналишлари (каштачилик, гиламдўзлик, рассомлик, ҳайкалтарошли...), тури, техникаси, усули, этимологияси нуктаи назаридан фарқланадилар. Энди уларни тўплаб бир тизимга солиш, замон талаблари даражасида хар бирининг ўзбекча, русча ва инглизча изоҳлари билан, талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар ва шу соҳага кизиқувчилар учун мўлжалланган лугат-кўрсаткич тузишни давр тақозо этмоқда.

Фасл бўйича хулоса

Дарсликларга ёрдамчи манбаа сифатида яратилган кўпгина лугатлар она тилимизни мукаммал эгаллашда кўшимча билим манбайи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, уларсиз билим ва онгни ривожлантириш мумкин эмас. Жумладан, оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш воситаси бўлган дарсликлар ўз вазифасини тўла бажара олмас экан, турли лугатлар таълимнинг маълум бўшлигини тўлдиришга хизмат қиласи.

¹ Норматов Н. Ранглар юртига йўл. – Т., Ношир. 2013.

² Абдуллаева Ч., Тоирова Ф. English for art and design students II. – Т., Янги аср авлоди. 2014

Луғатлар юзасидан қилинган ишларнинг аксарияти кўп тилли эмаслиги ва ёки атамаларнинг фақат номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида келтирилганлиги, уларнинг талқини берилмаганлиги ёки факат ўзбек тилида бўлганлиги, мазкур масала очик қолганлигидан далолат беради. Чунки, мамлакатимизнинг турли жойларида айрим атамалар маҳаллий шеваларида ҳар хил ифодаланиши, бу эса тартибсизлика олиб келиши муқаррар. Демак, ушбу атамалар изоҳли луғатининг яратилиши, тушунчалардаги ҳар хилликка барҳам бериш кун масаласидир. Таълим олувчиларни санъят соҳасидаги ўзгаришлар билан таништиришда мазкур луғатлар дастуруламал бўлиши ҳамда келажак авлодга ўзбек миллий санъатинидан сўзловчи манбаа бўлиши шубҳасиз.

Атамлар санъат соҳасининг турли йўналишларига бағишлиланган ҳамда худудий, йўналишлари, тури, техникаси, усули, этимологияси жиҳатдан фарқланар экан, уларни тўплаб бир тизимга солиш, замон талаблари даражасида ҳар бирининг ўзбекча, русча ва инглизча изоҳлари билан, талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчilar ва шу соҳага қизиқувчилар учун мўлжалланган луғат-кўрсаткич тузиш куннинг долзарб масаласидир.

Учинчи фасл

МИЛЛИЙ ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ АТАМАЛАРИ ТАДҚИҚИ

Дунё тилшунослигининг ҳозирги ҳолати, жамиятимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, бошқа фанларга бўлгани каби, ўзбек тилшунослиги олдига ҳам янги вазифаларни кўймоқда. Собиқ президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида алоҳида таъкидлаганидек, «айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар чоп этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз”¹.

Тилни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш жамият ҳаёти билан бевосита боғлиқ экан, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар тилда акс этиши муқаррар. Бу ўзгаришлар ҳаммадан кўпроқ тилнинг луғат бойлигига ўз ифодасини топади.

Атамалар – касбий мулоқот воситаси. Санъат атамаларини таснифлашда – тасвирий санъатга, ҳайкалтарошликка, декоратив амалий санъатга, театр каби йўналишларга бевосита алоқадор бўлган

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б. 87.

барча нарса, ҳодиса, ҳаракат ва шахсларнинг турли номларига таянамиз. Улар хилма-хил. Шу нуктаи назардан, дастлаб миллий ва ўзлашма тасвирий санъати атамаларини ажратиб олишимиз даркор.

Аввало, “тасвирий санъат” бирикмасига нисбатан “миллийлик” тушунчасининг қўлланилишини тасвирий санъат усталари ва санъатшунослар рад этишини айтиб ўтиш жоиз. Минтақамизда “тасвир” сўзи қўлланган. Аслида “санъат” арабча сўз бўлса-да, “тасвирий санъат” атамаси ишлатилмаган. Усталар унинг ўзи бўлмаган, деб ҳисоблайдилар. Бу атама рус маданияти билан кириб келган “изобразительное искусство” бирикмасининг маъносини берувчи таржима, муқобил сўз сифатида намоён бўлади. А.Умаров нутқимизда ўрнашиб қолган мазкур бирликни, келгусида қайта номланишига умид қилади¹. Унинг фикрига кўра, бу бирлик кенг доирада баъзида рангтасвир, хайкалтарошлиқ, қаламтасвирни ҳам, шунингдек, амалий санъат, меъморчиликни ҳам қамраб олади. Бизнинг назаримизда, қадимий ва бой тарихга эга “амалий санъат” атамалари “миллий” деб таърифланишига ҳақли. Бу ҳам русча “прикладное искусство” бирикмасининг ағдармаси, деб ҳисоблайди А.Умаров ва “унинг ўрнига “хунармандлик” атамасини ишлатиштўғрибўлади”² дейдиу. Бироқ, “хунармандлик” тушунчаси ўзга тил вакиллари учун тушунилиши қийин бўлаган тор маъноли тасаввур уйғотиши эҳтимолдан холи эмас. Зоро, “хунар” нафақат санъат ёки билим, қўникма, маҳорат, усталик, балки касб ҳамдир. Унинг “атама” дейилиши учун бирор соҳага ёки йўналишга тегишли бўлиши керак. Чунки, хунар сўзининг кўчма

¹ Умаров А., Аҳмедов М. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Т., Ўқитувчи. 1997 й. – Б.3.

² Умаров А., Аҳмедов М. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Т., Ўқитувчи. 1997 й. – Б.3.

маънолари ҳам бор. Хунарманлик – хунарманд эканлик, яъни уйида ёки ўз дўконида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шугулланувчи касб-хунар эгаси ёки ўз иш-касбининг моҳир устаси¹. Амалий санъат эса амалда татбиқ этиладиган, тажрибада қўлланадиган барча санъаткорона қўл меҳнати маҳсули. Ишмииздан мақсад, “Тасвирий ва амалий санъат атамаларининг ўзбекча, русча, инглизча қисқача изоҳли луғат-кўрсаткичи”ни яратиш экан, барча учун қабул қилиниши қулай бўлган тил бирлигини қўллашни маъқул кўрамиз. Шунинг учун, тасвирий ва амалий санъат атамларини бемалол миллий ҳамда ўзлашма тасвирий санъат атамалари, дея таснифласак бўлади.

Миллий тасвирий ва амалий санъат атама ва бирликлари таҳлили

Санъат соҳасига оид атамаларининг кенг миқёсда тадқиқ этилиши бир қанча афзалликларга эга. Бу нафақат санъат соҳасига тегишли нутқ бирликларини объектив равишда рўйхатга олиш, балки мазкур бирликлар ҳакидаги тасаввурларни кенгайтириш, санъат атамалари таркибини жорий қилиш ҳамда улардан фойдаланишнинг ўзига хосликларини аниqlаш имконини беради.

Санъат атамалари масаласи нафақат ўзбек тилшунослиги, балки рус ҳамда инглиз тилшунослигига хам деярли ўрганилмаган. Ваҳоланки, санъат атамалари тилшунос ва санъатшуносларнинг эътиборини доимо тортиб келган. Аммо, уларнинг тасвирий ва амалий санъат атамаларидан фойдаланиш тарихи тўғрисидаги маълумотларини тўқис деб бўлмайди. Атамаларнинг

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2006. 5-ж. 562-б

семантикаси, уларнинг атамалар тизимидағи ўрни муаммоси очиқ қолган.

Албатта, тасвирий ва амалий санъат атамаларини ишлаб чиқишига уринишлар бўлди, шунга қарамай, ҳануз атамаларнинг тўлиқ изоҳли луғат-кўрсаткичи мавжуд эмас.

“Атамашунослик – дейди А.А.Реформатский, – турли хил, шунингдек, ўзига хос ҳам¹. Масалан, атаманинг муҳим хусусиятларини кўплаб мутахассис атамашунослар каби Н.П.Кузьмин² ҳам қуидагича белгилайди:

1. Мазкур атамалар таркиби доирасида бирмаънолилик; яъни синонимларнинг йўқлиги; аниклик;
2. Тизимлилик, яъни шу атамалар таркибининг бошқа атамалари билан ўзаро алоқаси;
3. Таркибида обьектга нисбатан тўғри мўлжал олиш;
4. Ясама сўзларнинг ясалишидаги қулайлик;
5. Тилнинг сўз ясалиши қоидаларига мувофиқлиги; кисқалик;
6. Ҳиссий ифоданинг йўқлиги ва ҳ.

Бу талаблар атамалар тўғрисида нотўғри тасавур ўйғотади, деб хисоблайди қирғиз тадқиқотчиси С.Мамбетова³. Унинг фикрига кўра, тасвирий санъат атамаларига нисбатан, андоза сифатида биринчи таъриф нуқтаи назаридан ёндашишнингина ўзи етарли бўлади.

¹ Реформатский А.Н. Что такое термин и терминология. // Вопросы терминологии. – М., Наука, 1961. – С.65-71

² Кузьмин Н.П. К вопросу о сущности термина. // Вестник – М., / МГУ. Выпуск 4.1962 Серия: История языка и литературы. № 20.

³ Мамбетова С.К. Термины искусства и особенности их перевода на английский язык. – Бишкек, 2008.

Айрим миллий тасвирий санъат атамалари эскирган, бугунги кунда уларнинг кўлланиши замонавий санъат техникаси даражасига мос келмайди, ва натижада муомаладан четга чиқади. Ва аксинча, бошқа соҳаларда бўлгани каби санъат соҳасидаги барча янгиликлар, тушунчалар қайси тилда пайдо бўлган бўлса, глабаллашув натижасида байнамилал атама сифатида тарқалиб кетади. Масалан, минтақамизда “бўлажак суратнинг намунаси, бир қисми ёки ҳайкали” тушунчаси бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас, аммо “этюд” номи рус ҳамда инглиз (*etude*) тилларида ҳам мавжуд. Аслида бу сўз лотин тили орқали (*studium* – ҳаракат) француз тилидан (*etude*) олинган бўлиб, “тадқиқ” деган маънони билдиради, “эскиз”нинг муқобили. У – натурадан олинган, уччалик катта бўлмаган ҳажмда ишланган, ҳақиқий картина ёки ҳайкал учун ёрдамчи сурат ёки ишланма. Ф.Т. Ефремовнинг изоҳли луғатида мазкур сўзга 4 хил изоҳ келтирилади.¹ Биринчиси, юқорида зикр этилган изоҳ; иккинчиси, концерт ижросига мўлжалланган юксак моҳирлик характеридаги чолғу асбоблари сахна асари; уччинчиси, кичик адабий асар ёки бирор бир кишига тегишли шахсий масалага бағишланган илмий изланиш, ва ниҳоят, тўртинчиси, актёрлик, шахмат, мусиқа каби бирор санъатнинг ривожланишига ва техникасининг мукаммаллашувига хизмат қиласидиган (одатда, тайёргарликсиз, ижро пайтида яратиладиган) машқ.

Бу изоҳлар И.С.Ожеговнинг луғатида ҳам акс этади. Юксак маҳоратли мусиқий асар; бўлажак катта тасвирий санъат асарининг натурадан нусха олинган чизмаси ёки ясалган буюми, одатда бирор

¹ Ефремова Т.Ф. Новый словарь русского языка. Толково-словообразовательный. – М., Русский язык, 2000.

бўлаги, қисми; шахсий масалага бағишлиган (илмий, танқидий) кичик ҳажмдаги асар; (мусиқа, шахмат ўйинига тегишли) машқ тури; эскиз машқи, ярим маҳсулоти учун бўёқ билан натурадан нусха олинган чизмаси, ишланма¹.

Кўриниб турганидек, мазкур маъноларининг барчаси умумлаштирувчи санъат тушунчаси билан боғлиқ, кўпроқ “уриниш”, “машқ”, “ҳали мукаммаллик даражасига етмаганлик” сифатларини ўзида акс эттиради. Бу атамага қўйиладиган талабларга мос келади. Бироқ унинг бош маъноси ўзбек тилида мавжуд *андаза* тушунчасига маълум маънода мос келишининг гувоҳи буламиз.

Андаза форсча “ўлчов”, “қолип” деган умумий маънони бергани ҳолда, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида унинг бир нечта изоҳлари келтирилади. **1** Кийим-бош, пойафзал ва шу кабиларни бичиш, тайёрлаш учун қалин қофоз, картон ва шу кабидан ясалган нусха-қолип². Албаттга, мазкур изоҳ “мусиқий ҷолғу асбоблари саҳна асари” тушунчасидан анча йирок. Бироқ этюднинг бош маъноси – “бўлажак катта тасвирий санъат асарининг натурадан нусха олинган чизмаси ёки ясалган буюми, одатда бирор бўлаги, қисми” таърифиға ўхшаш. У ҳам бўлса кўпроқ “эскиз” маъносига тўғри келади. Эскиз ҳам французча (*esquisse*) сўз, “хомаки нарса” деган маънони билдиради. Бадиий асар, иншоот, механизмнинг ёки унинг бирор қисмининг дастлабки, хомаки, қоралама

¹ Ожегов С.И. Словарь русского языка: Ок. 57000 слов./Под ред. чл.-корр. АНССР Н.Ю.Шведовой. 20-е изд., стереотип. – М., Рус. яз., 1989. – 750 с.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2006. 1-ж. – Б.84.

нусхаси, чизмаси ёки режаси, дея таъриф берилади Ўзбек тилининг изоҳли луғатида¹.

Атамаларнинг бир маънолилик талаби *андазани* атама сифатида олишимизга тўсқинлик қилади. Масалан, **андозаси келишган** 1) бичими яхши, усталик билан бичиб тикилган, хушбичим (кийим-бош, пойабзал хақида); 2) *кўчма қадди-қомати* келишган, бўйи-басти ўзига ярашган: хушқомат, хушбичим. **Андоза олмоқ** 1) бирор нарсанинг шаклини кўчирмоқ; 2) *кўчма ўрнак олмоқ*, ибрат олмоқ.²

Андаза сўзининг луғатдаги 2- ва 3- маънолари³ эса “этюд” атамасига умуман мувофиқ эмаслигини кўрсатади. Луғатда берилган мисолларда кўпроқ ўрнак тушунчаси балқиб туради. Бу унинг умумистеъмол сўз эканлигидан далолат беради. Бироқ тушунча – предмет, белги, воқеа, ҳодиса, ҳаракат хақида кишининг тасаввури, унинг тилда намоён бўлиши билан бирга, тушунча сўзга, сўз эса тушунчага тўла равишда мос келавермаслиги ҳам мумкин⁴. *Андаза* фақат тасвирий санъат атамаларига оид бўлмагани билан минтақамиизда ҳам мавжудлигини асослаш учун юқоридаги фикрларнинг ўзи етарли.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2008. 5-ж. – Б.56.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2006. 1-ж. – Б.84.

³ 2 Тайёр қолип, намуна. Шарқнинг ҳаво дарвозаси биз, Янгиликнинг андозаси биз. Шайхзода, Тошкентнома. Ёдгорлик мажмуини яратишда.. ўлкамиздаги буюк бобокалонларимиз зиёратгоҳлари андазасига таяниш зарурлигига эътибор қаратилди. Газетадан. 3 Ўлчов, меъёр. Мамлакат раҳбарининг фармони.. миллий ҳаётимизни энг юкори замонавий андазаларда қуришга чақирипти. Газетадан.

⁴ Она тили. Қомус. Тузувчилар: Б.Менглиев ва б. – Т., Янги аср авлоди. 2010. –Б. 211

“Этюд” тушунчаси ўзбек тилида тасвирий санъят атамаси сифатида фойдаланилади. Шунингдек, ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам ўз ўрнига эга¹. Демак, мазкур тушунча,

Узб. *Etyud*

Рус. *Этюд*

Ингл. *Etude*

тарзида байналмилал атама сифатида намоён бўлади.

Минтақамизда амалий санъат ривожланган экан, биз мазкур санъат йўналишига алоқадор атамаларни бемалол миллий амалий санъат атамалари, дея аташимиз мумкин эканлигини юқорида айтиб ўтдик. Мамлакатимиз худуди ва унинг атрофида ўзбек миллий халқ амалий безак санъатининг ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, наққошлиқ, тоштарошлиқ, суяқ ўймакорлиги, кандалорлик, пичоқчилик, саватчилик, бўйрачилик каби турларининг ўзига хос бажариш технологияси, ҳақиқий асл номлари, ўзига хос мактаблари, услублари мавжуд бўлган². Бу санъат йўналишлари шарқона урф-одат, анъана, дин, маданият, ахлоқ қоидаларига асосланган, кўпроқ табиат ранглари ва шаклларидан андаза олинган. Масалан, “чорбарг” атамаси. Сўз форс-тожик тилидан (*чор* – тўрт, *барг* – япроқ) олинган сўзлардан ясалган ясама сўз эканлиги маълум. Аммо буни факат амалий санъат мутахассисларигина тўрт баргдан иборат ўсимликсимон нақш элементи эканлигини яхши билади. Мазкур

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2008. 5-ж. – Б.62.

² Булатов С.С. Ганчкорлик, наққошлиқ ва ёғоч ўймакорлишги атамаларига оиз изоҳли луғат. – Т., Мехнат, 1991. – Б.3.

сўзнинг 2008 йилда нашр этилган Ўзбек тилининг изоҳли луғатининг 4-жилдига киритилмаганини атамалар, яъни қўлланилиши чегараланган сўзлар сафига қўшилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бизнингча, мазкур атама миллий санъатимиз атамалари сифатида, “Миллий тасвирий ва амалий санъат атамаларининг ўзбекча, русча, инглизча қисқача изоҳли луғат-кўрсаткичи”да ўз аксини қўйидагича топмоғи даркор:

CHORBARG [*f.* چاربرگ – to‘rt yaproq] Naqqoshlik san’ati. To‘rt bargdan iborat o‘simliksimon naqsh elementi.

ЧОРБАРГ [*n.* – چاربرگ – четыре лепестка] Искусство росписи. Элемент растительного узора состоящий из 4х лепестков.

CHORBARG [*pers.* چاربرگ – four leaves] Painting. The element of plant design composed of 4 leaves.

Бугунги кундаги кам истеъмолли бу каби миллий тасвирий санъат атамаларни бир тизимга солиш, уларнинг русча ва инглизча изоҳларини тузишни давр талаб этмоқда.

Ўзлашма тасвирий ва амалий санъат атама ва бирликларининг қўлланиш хусусиятлари

Ўзбекистон санъати ва маданиятининг шиддатли тараққиёти нутқимизда истифода этилаётганлиги кувонарли ҳол, албатта. Тасвирий санъат, амалий санъат, интерьер дизайн, либос дизайнни ва санъатшуносликка оид атамалар, миллий-маданий нутқка оид ўзбекча сўзларнинг русча ва инглизча муқобили ҳамда Европа нутқининг лисоний бирликлари ўзбек мухитида кенг тарқала бошлаганлиги тилшунослар масъулиягини янада ошириши турган гап. Зеро, бунинг оқибатида уларни бир қолипга солиш, чуқур таҳлил қилган ҳолда сўзни ўз ўрнида ишлатиш тартибини белгилаш, нутқий

маданият ва нутқий салоҳият мезонларини ишлаб чиқиш вазифалари вужудга келади.

Жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга ва қўплаб жаҳон санъат арбоблари назарига тушган, эътироф этилган санъат Биенналелари (тасвирий, фото йўналишлари) ва анъанага айланган, йилдан йилга нуфузи ортиб бораётган “Тасвирий санъат фестивали”га халқаро доирадаги санъат мутахассисларининг ва рассом, фотографлар, дизайннерларнинг иштироки натижасида миллий тасвирий санъатимизга кириб келган янги йўналишлар, ғоялар акс этган асарлар орқали тилимизда янги сўзлар пайдо бўлганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Дизайн сўзининг ўзи ҳам ўзлашма сўз бўлгани ҳолда, ўзи билан бирга олиб келган *фестиваль, мода, модель, подиум, аксессуар, интерьер* каби янги тушунча ва лисоний бирликлар бугунги кунда омма учун тушунарли бўлиб қолди. “Янги тушунча” масаласи эса кўриш, эшитиш ва ҳис этиш орқали ойдинлашади. Негаки, талаффузнинг ўзигина тасаввур уйғота олмайди. Шундай экан, миллий маданиятимизга ёт нарса ва ҳодисалар ўзимизда пайдо бўлмас экан, уни аташ ҳуқуки ҳам замон ва макондош нутқ эгаларига тегишли бўлади. Бироқ, тушунчани қайта номлаш жараёни ҳам нозик масала, қўп ҳолларда бу муваффақиятсизликка учрайди (*самолоёт – тайёра* каби).

Мисол: “батик” услуби

“Батик” – индонезия тилидан олинган, “бир томчи воск (эфир)” маъносини англатади. Бу билан, тушунча Индонезияда пайдо бўлган деган хулоса келиш керак эмас. Матога маълум суюқлик ёрдамида шакл ёки ёзув тушириш таҳминан V асрларда Мисрда мавжуд бўлган. Шунингдек, кадимги Хитой, Хинд адабиётларида ҳам “батик” сўзининг луғавий маъносини англатувчи

тушунчалар учрайди деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Муҳими, мазкур тушунча бошқа миллат вакилларига кириб келгунга қадар номланиб бўлган. Инглиз тили луғат тизимида у 1880 йилда Британия энциклопедиясида пайдо бўлади ва яқин 10 йиллар ичида рус тили орқали ўзбек нуткида ўрин эгаллайди, бироқ мамлакатимизда чоп этилган луғатлар таркибида ҳали ҳануз учрамайди. Демак, миллий дизайн соҳаси атамаларидан бирига айланиб улгурган айни лисоний бирлик ҳам бошқа лексик бирлик сингари ўзбек тилининг луғат тизимида ўрин эгаллашига эҳтиёж сезилмоқда дейиш мумкин.

Ёки, “тўплам” сўзига эътиборимизни қаратайлик

1. “*Фестивалнинг учта тўплами Навоий вилоятига бағишиланди...*”

2. *икки тўпламда Сармисой тош суратлари...*

Ушбу сўзни таҳлил қилишдан аввал “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га мурожаат этамиз.

ТЎПЛАМ 1 маълум тартибда тўпланган бир турдаги нарсалар йиғиндиси; коллекция. *Қадимги танга чақалар тўплами.*

2 маълум тартибда тўпланган ва нашр этилган асар, қонун қарор ва ш.к. мажмуи; мажмуа. *Шеърлар тўплами. — Тўпламда шоирнинг сара масалалари жамланган.* Газетадан.

3 Тўп, тўда, уюм. *Бир тўплам ўтин.*¹

Мисолдаги лексик бирликка биринчи таърифда келтирилган изоҳ айнан. Бироқ иккинчи ва учинчи изоҳлардагидек бизнинг мисолимиздаги “тўплам”

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4жилд. – Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 244.

сборник¹ (мажмуа) маносида ёки куча² (уюм, тўда, тўп) маъносида англашилиш эҳтимоли борлиги кишини сергаклантиради. Биз бу билан қўпмаъноли “тўплам” сўзидан “коллекция” маъносида фойдаланиш заруриятидан воз кечиш керек деган хulosага келамиз. Куйидаги мисолларда эса ушбу нутқий меъёрнинг бузилмаганлигини кўришимиз мумкин. Мисол: *Муаллифнинг Ўзбекистонга қилган сафари “Самарқанд” деб номланган уибу коллекциянинг яратилишига сабаб бўлди.*

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га мурожаат этамиз:

КОЛЛЕКЦИЯ [лат. collectio – тўплаш, йиғиш] Бир хил, бир хил турдаги айрим нарсаларнинг (мас. Танга, марка, китоб ва ш.к.ларнинг тартибга солинган тўплами) Каналаклар коллекцияси. Қадимги маркалар коллекцияси. Минераллар коллекцияси. — Нормат ҳозирги рассомларнинг суратларини коллекция қиласи, ботинка итига тули бўлмаса ҳам, сўнги чақасига бориб сурат олади. А.Мухтор, Чинор. ...бу портрет

¹ м1 тўплам, мажмуа; ~стихотворений шеърлар тўплами; ~задач по геометрии геометриядан масалалар тўплами; ежегодный ~йиллик (хар йилда чиқадиган) тўплам; 2тех. Тўплагич (одатда суюқлик тўпланиб қоладиган жой ёки идиш); ~ для воды сувтўплагич; ~газоочистителя газтозалагичнинг тўплагичи. (Русча ўзбекча лугат. 2 жилдли. 2-жилд. – Т.: 1984. – Б. 385)

² ж 1 уюм, тўда, тўп; ғарам; тепа; ~а кирпича бир уюм ғишт; ғишт уюми; ~а песка күм уюми; уйиб қўйилган қум; 2 гала, тўда, тўп (одамлар, хайвонлар ҳакида); ~а овец бир гала (тўда) қўй; ~а зевак бир тўда бекочилар; с битъся в ~у тўдаланиб (тўпланиб) колмоқ, бир ерга ғуж бўлмок; 3 разг. кўп, анча, анча-мунча, аллақанча, бир талай; у меня ~а дел менинг ишим кўп, менинг бир талай ишим бор; ~а денег бир талай пул. (Русча ўзбекча лугат. 2 жилдли. 1-жилд. – Т., 1984. – Б. 502)

коллекциямнинг гули бўлади. И.Рахим, Тинимсиз шаҳар¹.

Шу маънода, биз учун керак ва фойдаланишга кулай бўлган мазкур тушунчанинг номи ўзбек тилининг луғат таркибидан ўрин олар экан, тўплам сўзига “осилиш”нинг нима кераги бор, деган савол туғилади. Қиёслаймиз:

1. *Дизайнерлар тўпламларида ҳам анъанавий, ҳам замонавий руҳдаги лиboslar намойши этилди.*
2. *Охирги икки йил мобайнида Лорис Дираннинг коллекциялари истисно тарзида Италия ва Осиёда намойши этилганди.*

Ишимиздан мақсад миллий тасвирий ва амалий санъатимиздаги атама ва бирликларнинг терминологик муаммосини таҳлил этиш экан, терминлар, қўпинча, умумистеъмол лексикадан маълум бир маъноларининг маҳсуслашуви асосида хосил бўлишини айтиб ўтиш жоиз. Терминларга ҳам асл субстанциясидан узилган мустақил лексема сифатида қараш лозим. Бунга терминга қўйиладиган бир маънолилик талаби ҳам асос бўлади. Демак, термин ва умумистеъмол лексема бир нарсанинг икки кирраси, бир лексеманинг икки маънода қўлланиши эмас.

Терминларнинг чегараланган қўлланишта эгалиги уларнинг бошқа соҳа вакиллари учун тушунарсиз бўлиши дегани эмас. Масалан, [тўғри чизиқ], [зап], [сўз туркуми], [теззик] атамалари кўпчилик учун тушунарли, соҳа кишиларидан бошқалар нутқида кам истеъмолли. Худди шу каби *коллекция* атамаси ҳам (*синус, косинус* каби) дизайн соҳаси учун кўп истеъмолли ва бошқа соҳа вакиллари учун тушунарли

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5-жилдли. 3-жилд. – Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 390.

бўлмоғи лозим ва уни умумистеъмол *тўйплам* сўзи билан алмаштиришга эҳтиёж йўқ.

Хулоса қилиб, замонавий атама ва бирликларнинг ўзбекча муқобилини топиш, муқобили бўлмаса изоҳлаш ва ўзбек тилининг луғат тизимини бойиши учун хизмат қилишига тўсқинлик қилмасдан, ўзлашма сўзларни ўз ҳолича қолдириш тарафдоримиз.

Миллий тасвирий ва амалий санъати атамаларининг ифодаланиш хусусиятлари

Атаманинг луғатлардаги луғавий маъноси қандай баён этилиши унинг адабий тилда қўлланиши билан белгиланади. Айтиб ўтиш керакки, кўп атамалар умумий луғат тарикибида қайд этилмайди. Улар турли энциклопедияларда ёритиб берилади, маълумотлар кўламига кўра турларга бўлиш мумкин бўлади. Шу нуқтаи назардан, атамалар ҳам оддий сўзлар сингари, хусусан, тасвирий санъат атамалари, мазкур тушунчанинг тил меъёрларини ҳисобга олиб, лингвистик таъриф ва тавсиф берилишга эҳтиёж сезади. Зоро, умумий луғатларда атамаларнинг факат маълум қисмигина ўз аксини топиши мумкин.

Тасвирий санъатга оид нутқ бирликлари рассом, ҳайкалтарош ёки дизайннернинг иш жараёни, фаолияти (ясаш, чизиш, ёзиш), хомашё (акварель, гуаш, холст, бўёқ), асбоб-ускуна (малберт, политра), касб, ихтинослик (анималист, рассом, ҳайкалтарош), иш маҳсулоти номлари (абстракт картина, барельеф)дан таркиб топади. Бу бирликлар бир ёки икки ва ундан кўп компонентли бўлиши ҳам мумкин. Одатда таржима жараёнида компонентларнинг қўпайиши ва камайиши кузатилади. Сабаби, эркин сўз бирикмаси бир тилдан иккинчи бир тилга эркин таржима қилинаверади,

турғун бирикмаларни (фразеологизмларни), айниқса қариндош бўлмаган тилларга таржима қилиш қийин. Масалан, *жанрист – painter of genre* ёки *витраж – stained-glass window*. Бундай атамалар одатда синтактик алоқанинг лексик-грамматик гуруҳи таркибида ўрганилади. (масалан, **JUN TAROQ** [*o'zb. jun + taroq*] Gilamdo'zlik moslamasi. Jun tarash uchun ishlatalidigan uzun-uzun tishli taroq.) Нутқ жараёнида уларнинг қисмлари тез-тез бирга қўлланилиши натижасида турғунлик касб этади. Турғун бирикмадаги компонентлар бир-бирлари билан жипслашиб аста-секин ўзларининг илгариги маъноларидан узоклашадилар, компонентлар айри олинган холда ўз мустақиллигини йўқотган бўлади (мутлоқлашади).

Тасвирий ва амалий санъати лексикасидаги ўзлашма терминларнинг аксарияти содда сўзлардан иборат эканлиги билан характерланади. Шунингдек, уларнинг кўпчилиги уч (ўзбек, рус, инглиз) тилда хам бир хилда истифода этилиши умумийлик касб этади. Масалан, *абстракционизм, автолитография, барокко*. Мазкур атамаларнинг аксарияти француз, лотин, италиян тилларидан кириб келган. Ўзбек миллий санъати асл терминологияси эса қадимий ва бой тарихга эга халқ амалий санъати лексик бирликларидан таркиб топади. *Хусусан, дастурхон, сўзана, сандал, доира* каби сўзлар бугунги кунда рус тилида кенг тарқалган.

Ўзбек тасвирий ва амалий санъати терминларини рус ёки инглиз тилига таржима қилиш жараёнида кўшимча изоҳлар билан берилиши талаб этилади. Чунки халқ тилида кенг тарқалган *алвон, гулгун, қаҳрабо, заъфарон, оқчил, сафсар, кўйчча, пистоқи*¹ каби рангларнинг турлича атамлари рус ва инглиз тилларида мавжуд эмас. Масалан, куйидаги атамани

¹ Норматов Н. Ранглар юртига йўл. – Т., Ношир. 2013

рус ёки инглиз тили орқали кириб келган атамаларни ўз нуткий меъёрларимизга мослаштириб талафуз этганимиз каби (масалан, акварель – akvarel) ўша тил вакиллари учун кулай бўлган талафузда қайд этишга тўғри келади.

ФИРКЎК Кўк рангга нисбатан яқин, яъни кўк осмон кабилар назарда тутилади.¹

ГИРКОК Имеется ввиду типа синее небо, ближе к синему цвету.

GHIRKOK Means blue sky, close to blue colour.

Нодир Норматовнинг “Ранглар юртига йўл” номли китобида қадимги архаик атамалар ҳам берилган, уларнинг изохи тадқиқот учун катта бир материал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки сўзларнинг этимологияси, тушунчанинг пайдо бўлиш эволюцияси сир-синоатга бойлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, *асфар*, *ахсар*, *байзо*, *биржина*, *варди*, *сафсан* каби атамаларнинг мазмуни, нафақат омма учун, балки, ёш ижодкорлар учун ҳам қоронғу. Улар орасида *-ий*, *-ни*, *ёки* *-гун* кўшимчалари билан ясалгандар ҳам бор. Масалан, *ёқутий*, *кабудий*, *төвусий*, *сурмагун*, *сабзагун*, *лолагун*, *осмони*, *райҳони* каби атамаларнинг ўзак қисмига қараб тушунчани аниқлаб олиш мумкин. Бироқ мазкур арахаик тасвирий санъат атамларининг аксарияти форс-тожик тилидан кириб келган, бугунги кунда уларнинг кўпчилиги қайта номланиб ёки эскириб қолган. Уларга изоҳли луғат таркибидан ўрин берилиши ҳам мунозарали масала ҳисобланади.

2006 йилда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан “Байсун. Атлас художественных ремесел” номли асарда келтирилган глоссарийда ўзбекча атамаларнинг русча изохи юқорида зикр этилган тартибда берилади. Масалан,

¹ Норматов Н. Ранглар юртига йўл. – Т., Ношир. 2013

джойнамоз, джунтарок, дастархан, сюзане, дигдигя-дэжул, гаджак-гуль¹.

Мазкур асарда берилган халқ амалий санъатига оид атамаларнинг айримлари ясама, уларнинг кўпчилиги бошқа тилларидан кириб келган сўзларни ташкил этади. Бу тил тараққиётининг асосий қонунларидан бири. Сабаби, ўзбек халқи ўз тарихий тараққиёти жараёнларида бошқа халқлар билан ҳам сиёсий, иқтисодий, маданий алоқада бўлиб келганки, бу, тилда ҳам ўз ифодасини топган. Ана шундай сўзлардан бири – **нусха** [а. سخنه – андоза, ўхшаш, намуна; адад, дона²]. Шу сўз иштирокидаги сўз биримларни яхлит маъно касб этиб, халқ амалий санъати атамалари сифатида намоён бўлади. Бу ерда ҳам рус тилидаги ифодасида фонетик ўзгариш ҳодисаси рўй беришининг гувоҳи бўламиз:

“атлас-нуска – узор, появился в подражание атласным тканям

дуппи-нуска – крестообразный орнамент

кееклик-нуска – орнамент в виде W, напоминающий ткачихам грудь оциппанного кеклика

шои-нуска – абрывый узор на коврах, в подражание атласным тканям”³.

Айрим ўринларда унинг “гул”, яни “нақш” маъносида келиши ҳам кузатилади. Масалан, “чаён гул, чаён нусха (узор скарпион) – зооморфный мотив, элемент орнамента сюзане и мужских тюбетеек”⁴.

¹ Ҳакимов А. Гуль Э. Байсун – атлас художественных ремёсел. – Т., «PRINT-S», 2006.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2008. З-ж. – 67 б.

³ Ҳакимов А. Гуль Э. Байсун – атлас художественных ремёсел. – Т., «PRINT-S», 2006.

⁴ Ҳакимов А. Гуль Э. Байсун – атлас художественных ремёсел. –

Шу ўринда, “гул” ва “нақш” лексемаларининг семантикасида катта фарқ бўлгани ҳолда, мазкур халқ амалий санъати атамалари тизимида ўзаро муқобиллик характерига эга эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида гул сўзига берилган таърифларнинг бирида, юқорида айтиб ўтилган мазмунга яқин изоҳи келтирилган:

“З Бирор нарсага табиатдаги гуллар шаклида чизиб, тикиб, босиб ёки ўйиб туширилган безак, нақш; орнамент”¹.

Изоҳли луғатда “гул” “нақш”нинг синоними эмас, балки “гули нақш” тушунчаси берилмоқда. Аммо куйидаги мисолларнинг таркибида *гул* сўзи иштирок этган ясама атамалар одатда накшни, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, нақш таркибидаги элементларни, хусусан, нақш услубини англатиб келади: *гаджак-гуль*, *киркдон гуль*, *алача-гуль*, *даста-гуль*, *косагуль*, *лола-гуль*, *пахтагуль*, *хапомат гуль*, *чаён гуль*, *донгуль* ва ш.к.. Айрим ўринлардан *нақши* сўзининг ўзи ҳам ясама атаманинг ҳоким сўз сифатида келишини кузатишмиз мумкин: “кул солди нахыш (букв. вложенная рука) – ромбовидный мотив на коврах терме”²“

Ўзбек халқ хунармандчилигида энг юкори санъат тури – гиламдўзлик. Азал-азалдан чет эл фуқаролари онгида гилам шарқ халқлари, хусусан, форс-тожик аёллари билан боғлиқ равишда тасаввур (ассоциация) уйғотиб келган. Энг сифатли ва бежирим, шу билан бирга, муқаммал санъат даражасига кўтарилган гиламлар айнан Ўрта Осиёда етишиб чиқкан. Шунинг

Т., «PRINT-S», 2006.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. 1-ж. –Б. 516.

² Ҳакимов А. Гуль Э. Байсан – атлас художественных ремёсел. – Т., «PRINT-S», 2006

учун, гиламдўзлик техника ва технологияси, тури, ишлаб чиқариш механизми билан боғлиқ нутқий бирликлар кўпроқ форс-тожик тилларидан кириб келган. Масалан, гиламнинг “*такир-гилам, окэнли-гилам, окли-гилам, терме-гилам, чумчуг-гилам, холи-гилам, бурама-гилам, гаджари-гилам, пахта-гилам, кохма-гилам, каишари-гилам*”¹ каби турлари, *айнаки-гов, айнакитов*”¹ сингари гилам нақш турлари ўзбек гиламдўзлари нутқида кенг фойдаланилади.

Ўзбек ва форс-тожик тиллари ўртасидаги азалий алоқа ва муносабатларни фақат ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги муносабатлар орқали изоҳлаш мумкин. Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларида ўзбеклар ва тожиклар бирга яшашиди. Бу бирлик асосидаги ўзбек ва тожик ўзаро оғзаки мулокоти Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ўзбек ва тожик иккитиллигини шакллантирган бўлса, кўп асрлар давомидаги буюк мутафаккирлар Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий, Муқимий ва Муизий, Садриддин Айний ва Ойбеклар ўртасидаги илмий-адабий ҳамкорлик ва зуллисонайнлик анъаналарини давом эттириди, ривожлантириди. Темурийлар даврида ва кейинчалик Бухоро, Кўқон хонликларида давлатидора ишларининг икки тилда олиб борилиши, шубҳасиз, ҳар икки тилнинг ҳам фонетик, лексик-грамматик равнақига самарали таъсир кўрсатган. Шунинг учун, тожик-форс тилининг ўзбек тилига ва ўзбек тилининг тожик-форс тилига таъсирини фақат бу адабий тиллар лексикасида эмас, балки уларнинг товушлар таркибидағи грамматик қурилишда ҳам кўриш мумкин. Лексикада: *кафт, обрў, оҳанг, баҳор, бекор, ҳамроҳ, пойтакт, астайдил, оташин, баланд,*

¹ Ҳакимов А. Гуль Э. Байсун – атлас художественных ремёсел. – Т., «PRINT-S», 2006.

паст, камтар, рўпара каби; фонетикада: ўзбек тили унлилар тизимидағи айрим ўзгаришлар, тоҷикча сўз бошида *г, л, з, в, р* товушларининг одатий қўлланиши; грамматикада: *-боз, -бон, -дўз, -намо, -паз, -парвар, -фуруш, -хона* каби ясовчилар, *бе-, ба-, бар-, сер-, но-, хуши-, пур-, бо-* каби префикслар ва бошқалар.

Амалий санъат атамаларида тез-тез учраб турадиган ана шундай грамматик қўрсаткичлардан бири – *-пўши*. “*Кий*” ҳамда “*кийим*” маъноларини берувчи бу морфема форс тилида алоҳида сўз¹. Бироқ, *борпўши, жойпўши, каллатпўши, сандалипўши* атамалари дастлаб лексик-грамматик йўл билан синтактик алоқа киришиб, эндиликда ўзбек тилида мустакил сўз сифатида ёлғиз тушунчани ифодалаб – атаб келмоқда. Уларнинг нутқий қўлланиши ҳам ўзлаштирилган тилдан унча катта фарққа эга эмас. Бироқ мазкур бирликларнинг бошқа хорижий (масалан, рус ёки инглиз) тилларда ифодаланиши нутқий шароит туфайли турлича намоён бўлади – товушларнинг комбинатор-позицион ўзгариши содир бўлади. Яъни хорижий тилда мавжуд ёндош товушга мослашиши, бошқа товушга алмашиши қузатилади. Сабаби, ҳар бир тилнинг нутқий меъёрлари, орфоэпик хусусиятлари ўзига хос. Атамалар эса ҳар қандай тилда ҳам ўз ҳолича сақланиб қолиш тамойилига асосланади. Юқорида зикр этилган асарда мазкур атамалар *борпўши, джойпўши, каллатпўши, сандалипўши* шаклида истифода этилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, терминологик изохли луғатда ўзбек миллий тасвирий ва амалий санъат атамаларининг рус ва инглиз тилларидаги ифодаси ва изохи юқоридаги жиҳатлари, яъни ҳар бир тилнинг фонетик хусусиятлари, нутқий

¹ Фарҳангি забони тоҷики. 2-жилд. М.Ш. Шукуров ва бошк. таҳрири остида. – М., Советская энциклопедия. – 1969. 107 б.

тамойиллари инобатга олган ҳолда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Фасл бўйича хуроса

Атамаларининг кенг миқёсда тадқиқ этилиши бир неча афзалликларга эга бўлиб, айниksa, санъат соҳасига тегишли нутқи бирликларини объектив ровишда рўйхатга олиш, мазкур бирликлар ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш, санъат атамалари таркибини жорий қилиш ҳамда улардан фойдаланишининг ўзига хосликларини аниклаш учун кенг йўл очади. Зоро, ҳозирда кам истеъмолли миллий тасвирий санъат атамаларини бир тизимга солиш, уларнинг русча ва инглизча изоҳларини тузиш кун тартибидаги масаладир. Бунда ўзлашган атама ва бирликларнинг ўзбекча муқобилини топиш, муқобили бўлмаса изоҳлаш ва ўзбек тилининг лугат тизимини бойиши учун хизмат қилишига тўсқинлик килмасдан, ўзлашма сўзларни ўз ҳолича қолдириш мақсадга мувофиқ. Чунки, ўзбекча тасвирий ва амалий санъати терминларини рус ёки инглиз тилига таржима килиш жараённида қўшимча изоҳлар талаб этилади. Халқ тилида кенг тарқалган миллий атамаларнинг аксарияти рус ва инглиз тилларида мавжуд эмас. Демак, ўзлашма атамани ўз нутқий меъёрларимизга мослаштириб талаффуз этганимиз каби, миллий атамани ҳам ўша тил вакиллари учун қулай бўлган талаффузда қайд этиш эҳтиёжи юзага келади ва лугатда ўзбек миллий тасвирий ва амалий санъат атамаларининг рус ва инглиз тилларидаги ифодаси ва изоҳи ҳар бир тилнинг фонетик хусусиятлари, нутқий тамойиллари инобатга олган ҳолда бўлиши муҳим масаладир.

ХУЛОСА

Дарсликларнинг ёрдамчи манбааси сифатида хизмат қилувчи луғатлар она тилимизни тўлик ўзлаштиришда муҳим билим манбай ҳисобланади. Тафаккурнинг тараққий этишида уларнинг ўрни бекиёс. Зоро, оғзаки ва ёзма нуткни ўстириш воситаси бўлган ўқув дарсликлар ўз вазифасини тўла бажара олмайди. Шундай экан, луғатлар тил таълимдинг мазкур бўшлигини тўлдириша катта замин яратади.

Бу борада бир қанча ишлар қилинган бўлиб, улар кўптилли эмаслиги, ва ёки атамаларнинг фақат номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида келтирилганлиги, уларнинг талқини берилмаган ёки фақат ўзбек тилида эканлиги билан тилшунослар олдидаги муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг учун санъат соҳасидаги барча атамаларнинг луғати яратилиб, изоҳи уч тилда берилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида айрим атамалар ҳар хил. Шунинг учун ушбу атамалар изоҳли луғатининг яратилиши ифодаларни тушунишдаги ҳар хилликка барҳам беради. Халқ усталарининг бу санъат соҳасидаги ютуклари билан таништиришда ҳамда келажак авлодга ўзбек миллий санъатини мукаммал ўргатишда муҳим манбаа вазифасини ўтайди. Мазкур атамалар санъат соҳасининг турли йўналишларига бағишиланган, масалан, ҳудудий жиҳатдан, йўналишлари, тури, техникаси, усули, этимологияси нуқтаи назаридан ва ҳоказолар. Луғатда уларни тўплаб бир тизимга солиш, замон талаблари даражасида ҳар бирининг ўзбекча, русча ва инглизча изоҳларини келтириш, талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар ва

шу соҳага қизикувчилар учун мўлжалланган адабиёт сифатида намоён бўлади.

Санъат соҳасига оид атамалар луғатини яратиш бир неча афзалликларга эга. Жумладан, санъат соҳасига тегишли нутқ бирликларини объектив равишда рўйхатга олиш, балки мазкур бирликлар ҳақидаги тасавурни муайян миқдорда кенгайтириш, санъат атамалари составини жорий қилиш ҳамда улардан фойдаланишнинг ўзига хосликларини аниқлаш имконини беради. Унда замонавий атама ва бирликларнинг ўзбекча муқобилини топиш, муқобили бўлмаса изоҳлаш ва ўзбек тилининг луғат тизимини бойиши учун хизмат қилишига тўқсинглик қилмасдан, ўзлашма сўзларни ўз ҳоличи қолдириш мухим аҳамиятга эга. Ўзбек тасвирий ва амалий санъати терминларини рус ёки инглиз тилига таржима қилиш жараёнида қўшимча изоҳлар билан берилган. Чунки, халқ тилида кенг тарқалган миллий атамалар рус ва инглиз тилларида мавжуд эмас. Ўзлашма атамани ўз нутқий меъёрларимизга мослаштириб талаффуз этганимиз каби, миллий атамани ҳам ўша тил вакиллари учун кулай бўлган талаффузда қайд этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, луғатда ўзбек миллий тасвирий ва амалий санъат атамаларининг рус ва инглиз тилларидағи изоҳи ҳар бир тилнинг фонетик хусусиятлари, нутқий тамойиллари инобатга олинган.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаева Ч. Тонрова Ф. English for art and design students II. – Т., Янги аср авлоди. 2014.
2. Азимов Б.Ж. Сабзавотчилик атамаларининг русча ўзбекча қисқача луғати. – Т., 1997. – 85 б.
3. Алексеева Л.М. Деривационный аспект исследования термина и процессов терминообразования (на материале научно-технической терминологии русского и английского языков): Автореф. ... дис. канд. филол. наук. – Пермь, 1990. – 19 с.
4. Ахмедов К.С. Кимё атамаларининг русча ўзбекча қисқача луғати. Монография. – Т., Фан, 1993, – 41 б.
5. Ахмедова М. М. Инглизча ўзбекча русча ботаника атамалари луғати. – Т., Ўзбекистон, 2003. – 128 б.
6. Ахмедов F. Русча ўзбекча юридик атамалар луғати. – Т., Адолат, 2002, – 328 б.
7. Альзамов А. Атмосфера физикасидан русча ўзбекча атамлар луғати. – Т., 2004. – 96 б.
8. Баско Н.В., Шетэля В.М. Системные связи и словообразовательная структура терминов бизнеса // Научно-техническая терминология. – М., 2001. – №2. – С. 14-16.
9. Бекжонов Р.Б. Физикадан русча ўзбекча атамалар луғати. 20000 га яқин сўз. – Т., Ўқитувчи, 1991. – 296 б.
10. Бинокорликдан русча ўзбекча атамалар луғати. Монография. – Т., Қомуслар бош таҳририяти. 1994. – 222 б.
11. Биология атамаларининг русча ўзбекча қисқача луғати. Монография. – Т., Фан, 1995. – 67 б.
12. Бобоёров М.Х. Мустакиллик даври жисмоний тарбия ва спорт атамаларининг шаклланиши. Фил.фан.номз... автореф... 10.02.02. – Самарканд, 2002. – 33 б.
13. Бобоҷонов Ш. Исломов И. Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиш ўқув луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009.
14. Божхона атамалари русча ўзбекча қисқа луғати. – Т., 2002. – 112 б.
15. Борисова Л.И. Лексико-стилистические трансформации в англорусских научно-технических переводах (Метод. пособие). – М., ВЦП, 1981. – 168 с.
16. Булатов С.С. Ганчкорлик, накқошлиқ ва ёғоч ўймакорлиги атамаларига оид изоҳли луғат. – Т., Мехнат, 1991. – 78 б.
17. Бўриев X. Биология атамаларининг русча ўзбекча қисқача луғати. – Т., 1995. – 250 б.
18. Васильева Н. В. Термин и имя собственное в текстеэнциклопедической статьи // Научно-техническая терминология. – М., 2001. – №2. – С. 26-27.

19. Геология атамаларининг русча ўзбекча кисқача луғати. Ўзбекистон Республикаси атакуми. Тошкент давлат Техника университети. – Т., Фан, 1994. – 95 б.
20. Гринев С.В. Введение в терминоведение. – М., Московский лицей, 1993. – 309 с.
21. Гринев С.В. Введение в терминографию. – М.: Изд-во МГУ, 1995. – 158 с.
22. Даниленко В.П. Об одной модели терминов-словосочетаний // Научно-техническая терминология. – М., 1973. – № 10. – С. 12-13.
23. Даниленко В.П. Русская терминология. – М., Наука, 1977. – 245 с.
24. Дўстмуродов Д. Кимё атамалари луғати. – Т., Ўзбекистон, 2003, – 400 б.
25. Дўстмуҳаммедов Ж. Инглизча ўзбекча русча иктисодиёт атамалари луғати. – Т., Ўзбекистон, 1994. – 124 б.
26. Ефремова Т.Ф. Новый словарь русского языка. Толково-словообразовательный. – М., Русский язык, 2000.
27. Замонавий она тили. Мавзудлаштирилган луғат. Тузувчилар Б.Менглиев ва б. – Т., Шарқ. 2011. – 280 б.
28. Замонавий она тили. Мавзудлаштирилган луғат. Тузувчилар Б.Менглиев ва б. – Т., Шарқ, 2011. – 280 б.
29. Захарчук Е.А. Родо-видовое соотношение понятий как проявление систематизирующих свойств терминосочетаний // Научно-техническая терминология. – М., 2001. – № 2. – С. 45-47.
30. Йўлдошев Қ. Миллий ғоя ва адабий таълим // Ўзбекистон овози. 2000 йил 21 декабрь.
31. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури / Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда
32. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. – Т., Шарқ, 1997. – 32 б.
33. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б. 87.
34. Кузьмин Н.П. К вопросу о сущности термина. // Вестник – М., / МГУ. Выпуск 4. 1962 Серия: История языка и литературы. № 20.
35. Кузьмина Н.Б. Морфолого-семантические очерки терминологии языкоznания: Автореф... дис. канд. филол. наук. – Минск, 1971. – 32 с.
36. Кўчимов Ш. Ўзбек миллий хукукий атамаларида шакл ва мазмун бирлиги муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2001. – № 6. – 130 б.
37. Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти атамаларининг русча ўзбекча луғати. – Т., Ёзувчи, 1994, – 62 б.
38. Латипов А., Гуломов И. Ер тузиш ва ер кадастри бўйича атамаларнинг русча ўзбекча луғати. Монография. – Т., 1995. – 79 б.
39. Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961. – С. 21-22.

Адабиётлар

40. Мамбетова С.К. Термины искусства и особенности их перевода на английский язык. – Бишкек, 2008.
41. Махмудов Н. Миллий мафкура ва она тили // Халқ сўзи. 2000 йил 13 июнь.
42. Маъдан геологияси атамаларининг қисқача изоҳли русча ўзбекча луғати. – Т., ГИДРОИНТЕО. 2002, – 250 б.
43. Менглиев Б. Баҳридинова Б. Ўзбек тилининг сўз таркиби ўкув луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009.
44. Менглиев Б. Бойматова О. Худойбердиева М. Ўзбек тили иборалари ўкув луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009.
45. Миллий ғоя: асосий тушунчча ва тамойиллар (маъруза матнлари учун материаллар). – Т., Янги аср авлоди, 2001. – 184 б.
46. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалари луғати. – Т., Академия, 2007. – 352 б.
47. Миллий истикол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. Монография. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар маркази. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. – Т., Янги аср авлоди, 2002, – 191 б.
48. Мирабдулла ўғли Мирортиқ. Жўғрофий атамалар луғати. – Т., 1992, – 56 б.
49. Мирзаев М.М. ва б. Боғдорчилик ва токчилик атамаларининг русча ўзбекча қисқача луғати. Монография. – Т., Фан, 1995, 78 б.
50. Мирсоатов Т.З. Немисча ўзбекча грамматик атамалар изоҳли луғати. Монография. – Т., Ўқитувчи. 1992, – 152 б.
51. Мусаев Ш.М. Микробиология атамаларининг русча ўзбекча изоҳли луғати. Монография. – Т., Фан, 1975, 94 б.
52. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т., Шарқ, 2000. – 318 б.
53. Нарходжаева Х.Ш. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик тадқики: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)... дисс. – Т., 2017. – 154-б
54. Нодир Б. Таасирий ва амалий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Т., Санъат, 2001
55. Норматов Н. Ранглар юртига йўл. – Т., Ношир. 2013.
56. Норхўжаева Х. Ўзбек тилининг эскирган сўзлар ўкув луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009.
57. Нурмонов А., Мадвалиев А., Махкамов Н. Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослиги тараккиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2011. – № 3. – Б. 3-11.
58. Одам скелети суюкларининг рентгеноанатомик атамалари. Монография. – Т., Ибн Сино, 1992. – 71 б.
59. Ожегов С.И. Словарь русского языка: Ок. 57000 слов./Под ред. чл.-корр. АНССР Н.Ю.Шведовой. 20-е изд., стереотип. – М., Рус. яз., 1989. – 750 с.

60. Она тили. Қомус. Тузувчилар Б.Менглиев ва б. – Т., Янги аср авлоди, 2010. – 268 б.
61. Ортиков А. Иқтисодий ҳуқук атамаларининг изоҳли луғати. – Т., Фоур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, – 168 б.
62. Пищулина Ю.Ф. Выражение пространственно-временных свойств категории действия в медицинской терминологии // Научно-техническая терминология. – М., 2001. – № 2. – С. 74-76.
63. Расулов А.А. Гидрология атамалари ва тушунчаларининг русча ўзбекча луғати. – Т., Университет. 1993, – 96 б.
64. Рашидов Д. Муҳандислик геологияси ва гидрология атамаларининг русча ўзбекча кискача луғати. Монография. – Т., Фан, 1995.
65. Реформатский А.Н. Что такое термин и терминология. // Вопросы терминологии. – М., Наука, 1961. – С.65-71
66. Русча немисча ўзбекча методик атамалар луғати. – Т., Ўқитувчи. 1992, – 143 б.
67. Сайфуллаева Р.Р. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., “Фан ва технология” нашриёти. 2010. – 121 б.
68. Салимов О.У. ва б. Русча ўзбекча политехника атамалари луғати. – Т., Фан, 1995. – 356 б.
69. Сапаев К. Курилиш терминологиясидаги синонимия масаласига доир. // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: 1 республика терминология конференцияси материаллари. – Т., Фан, 1986. – Б. 37-39
70. Тоғиева Г.Н. Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустакиллик ийлларидаги тараққиёти: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)... дисс. – Т., 2017. – 135 б.
71. Тошбоев О.Ш. Миллий истиқбол мағкурасининг шаклланишида матбуотнинг ўрни: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 152 б.
72. Тўрахожаева А.Х. Мустакиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сийёсий лексикасининг тараққиёти: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Т., 2012. – 26 б.
73. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2006. 5-ж. – 562-б
74. Умаров А. Аҳмедов М. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Т., Ўқитувчи. 1997. –36 б.
75. Усатый И.Б. Структурно-грамматические особенности составных терминов-названий частей речи//Электронный научный журнал «Вестник Омского государственного педагогического университета» Выпуск 2007. www.omsk.edu
76. Фармацевтик атамаларнинг русча ўзбекча изоҳли луғати. Мухаррир фалс.фан.номз. А.Б.Кабиров. – Т., Зар калам, 2004. – 168 б.
77. Фарҳангзи забони тоҷики. 2-жилд. М.Ш. Шукуров ва бошқ. таҳрири остида. – М., Советская энциклопедия. – 1969. – 107 б.

78. Хожиев А.П. Тилшунослик атамаларининг русча ўзбекча луғати. – Т., Фан, 1993. – 46 б.
79. Холмуродов Р.И., Шарофитдинов К.Ш., Азизов А.П. ва б. Курилишга доир атамаларнинг русча ўзбекча луғати. – Т., Ўзбекистон, 1993 – 111 б.
80. Ҳакимов А. Гуль Э. Байсун – атлас художественных ремёсел. – Т., «PRINT-S», 2006.
81. Ҳамраева Ё. Ўзбек тилининг ўзлашма сўзлар ўқув изоҳли луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009.
82. Чориев. З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Т., Академия, 2002. – 316 б.
83. Шукров О. Бойматова Б. Ўзбек тилининг маънодош сўзлар ўқув луғати. – Т., Янги аср авлоди. 2009.
84. Шукров Р. Терминлар синонимияси хусусида. // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: 1 республика терминологияси материаллари. – Т., Фан, 1986. – Б. 32-34.
85. Эргашев Т. Иқтисодий атамаларнинг ўзбекча инглизча русча луғати. – Т., Шарқ, 2001. – 63 б.
86. Юнусов Н. Электроника бўйича асосий тушунча ва атамаларининг ўзбекча русча инглизча изоҳли луғати. – Т., 1996.
87. Юридик атамалар қомусий луғати. Масъул мухаррир X.P. Раҳмонкулов, – Т., Шарқ, 2003, – 432 б.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	5
КИРИШ	10
Биринчи фасл	14
АТАМАЛАРИНИНГ СЕМАНТИК СТРУКТУРАСИ ҲАҚИДА	14
Атамаларнинг таснифи ва талқини	16
Тасвирий ва амалий санъат атамаларининг миллийлик хусусиятлари.....	27
Иккинчи фасл.....	36
АТАМАЛАРНИНГ ЛУҒАТЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ	36
Атамалар луғатлари ҳақида.....	37
Миллий тасвирий ва амалий санъат атамалари луғати муаммо сифатида	43
Учинчи фасл	51
МИЛЛИЙ ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ АТАМАЛАРИ ТАДҚИҚИ	51
Миллий тасвирий ва амалий санъат атама ва бирликлари таҳлили.....	53
Ўзлашма тасвирий ва амалий санъат атама ва бирликларининг қўлланиш хусусиятлари	59
Миллий тасвирий ва амалий санъати атамаларининг ифодаланиш хусусиятлари.....	64
ХУЛОСА	72
АДАБИЁТЛАР	74



yes I want morebooks!

Buy your books fast and straightforward online - at one of world's fastest growing online book stores! Environmentally sound due to Print-on-Demand technologies.

Buy your books online at
www.morebooks.shop

Kaufen Sie Ihre Bücher schnell und unkompliziert online – auf einer der am schnellsten wachsenden Buchhandelsplattformen weltweit! Dank Print-On-Demand umwelt- und ressourcenschonend produziert.

Bücher schneller online kaufen
www.morebooks.shop

KS OmniScriptum Publishing
Brivibas gatve 197
LV-1039 Riga, Latvia
Telefax: +371 686 20455

info@omnascriptum.com
www.omnascriptum.com

OMNI**S**criptum



